БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши
№ 130 (11.879)

Сешанба, 6 июнь, 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Н. С. ХРУШЧЕВ БИЛАН Ж. КЕННЕДИНИНГ УЧРАШУВИ ТЎҒРИСИДА БАЁНОТ

ВЕНА, 4 июнь. (ТАСС махсус мухбири). Бугун СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан АҚШ Президенти Ж. Кеннедининг учрашуви тамом бўлиб, орадан бир соат ўтгач СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири М. А. Харламов ва Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари П. Сэлинжер Хофбург саройидаги марказий матбуот бюросида матбуот конференцияси ўтказдилар.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг ва АҚШ Президенти Ж. Кеннедининг топшириғига биноан М. А. Харламов матбуот вакилларига қуйидаги ахборотни ўқиб берди:

«СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва Америка Қўшма Штатлари Президенти Ж. Кеннеди икки кун давом қилган фойдали учрашувни тамомладилар, учрашув вақтида СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар масаласи устида, шунингдек ҳар иккала мамлакатни қизиқтирувчи бошқа масалалар устида фикрлашиб олдилар.

Бугун ўз кенгашчиларининг иштироки билан улар ядро синовларини тўхтатиш, қуролсизланиш масалаларини ва Германия масаласини муҳокама қилдилар.

Улар лаосликларнинг ўзлари сайлаб олган ҳукумат бошчилигидаги бетараф ва мустақил Лаосни, шунингдек бу бетарафликни ва мустақилликни таъминловчи халқаро битимларни қувватлашларини яна бир марта таъкидладилар ва шу муносабат билан улар Лаосда жанг ҳаракатларини самарали тўхтатишнинг муҳимлигини эътироф қилдилар.

Раис ва Президент ҳар иккала мамлакатни ва бутун дунёни қизиқтирувчи ҳамма масалалар бўйича алоқаларни давом эттиришга аҳдлашдилар».

Баёнот ўқиб берилганидан кейин М. А. Харламов ва П. Сэлинжер мухбирларнинг кўпгина саволларига жавоб бердилар. П. Сэлинжер, жумладан, шуни айтдики, бугун кечқурун АҚШ давлат секретари Д. Раск, НАТО органлари билан ва Франция президенти генерал де Голль билан маслаҳатлашмоқ учун Парижга учиб кетади, АҚШ давлат секретарининг Европа ишлари бўйича ёрдамчиси Ф. Колер эса канцлер Аденауэр билан маслаҳатлашмоқ учун Боннга учиб кетади.



ВЕНА, 4 июнь. СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва АҚШ Президенти Ж. Кеннеди СССРнинг Австриядаги элчихонасида учрашдилар. Ўнгда СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико.

ТАСС махсус мухбири В. ЕГОРОВ фотоси. (Сурат фототелеграф орқали олинган).

Н. С. ХРУШЧЕВнинг Венада бўлиши

ВЕНА, 4 июнь. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев бугун эрталаб АҚШ Президенти Жон Кеннеди билан суҳбатлар бошланмасдан олдин, Австрия озодлиги учун курашчиларнинг ёдгорликларига гулчамбарлар қўйди.

СССР Министрлар Совети Раисининг машинаси мотоциклчилар фахрий эскортининг ҳамроҳлигида эрталаб маълум вақт билан роса соат 9 да Хофбург саройининг дарвозаси олдига келди. Бу саройнинг деворига «Австрия озодлиги учун кураш қурбонларига» деган хотира лавҳаси қўйилган.

Сарой олдидаги майдонда фахрий қоровул ротаси саф тортиб турган эди.

Австрия ички ишлар министри Африч, мудофаа министри Шляйнцер, армия бош инспектори пиёда қўшинлар генерали Фуссенегер Совет Иттифоқи ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрушчевни ҳамда унинг ҳамроҳлари — СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикони, СССР Ташқи ишлар министрлигининг коллегия аъзоси А. Ф. Добрининни, СССР нинг Австриядаги элчиси В. И. Авиловни ҳамда бошқа шахсларни кутиб оладилар.

Совет Иттифоқи ва Австрия гимнлари янграйди.

Н. С. Хрушчев саф тортиб турган фахрий қоровул сари яқинлашганида «келдилар» деган сигнал берилади.

Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, «Австрия озодлиги учун кураш қурбонлари» деган сўзлар ёзилган хотира лавҳаси томон борадилар. СССР Министрлар Совети Раиси мотам оҳангининг садолари остида хотира лавҳаси олдига гулчамбар қўяди. Гулчамбар ленталарига рус ва немис тилларида қуйидаги сўзлар ёзилган: «Австрия озодлиги учун курашда қурбон бўлганларга. СССР Министрлар Совети Раиси».

Сўнгра Совет ҳукуматининг бошлиғи, унинг ҳамроҳлари ва Австрия ҳукуматининг аъзолари Австрияни озод қилиш жангларида қурбон бўлган совет жангчиларига ёдгорлик ўрнатилган Шварценберг-Плац майдонига борадилар.

Н. С. Хрушчев янги гуллардан ясалган катта гулчамбарни ёдгорлик остонасига қўяди. Гулчамбарнинг мўл лентасига рус ва немис тилларида зар билан қуйидаги сўзлар ёзилган: «Фашизм билан курашда ҳалок бўлган совет жангчиларига, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев». Вебер хорининг мотам оҳанги янграйди.

ХОФБУРГ САРОЙИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВЕНА, 3 июнь. (ТАСС) СССР Ташқи ишлар министрлиги матбуот бўлимининг мудири М. А. Харламов ва АҚШ Президентининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари П. Сэлинжер бугун кечқурун Хофбург саройида матбуот конференцияси ўтказдилар.

Б. Сэлинжер қисқа баёнотни ўқиб берди. Баёнотдан маълум бўлишича, СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва АҚШ Президенти Ж. Кеннеди Совет Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги муносабатларга тааллуқли бир талай масалаларни, шунингдек жаҳондаги аҳвол масаласини муҳокама қилганлар. Суҳбатлар очиқ кўнгилли ва мулоҳаматли бўлди.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан АҚШ Президенти Ж. Кеннединнинг суҳбатлари эртага давом эттирилади. Эртага суҳбатлар вақтида Германияга тааллуқли масалалар ва атом қуроли синовларини тўхтатиш масаласи муҳокама қилинади, деб кутилмоқда.

Матбуот конференциясида М. А. Харламовга ва П. Сэлинжерга кўп саволлар берилди.

Журналистларнинг саволларига жавобан М. А. Харламов П. Сэлинжер ўқиб берган баёнотга ўзининг тўла равишда қўшилганлигини айтди. М. А. Харламов Н. С. Хрушчев билан Ж. Кеннединнинг бугунги суҳбатлари самарали бўлди, деди.

Бундан ташқари, М. А. Харламов саволлардан бирига жавоб бериб, Н. С. Хрушчев 5 июнь душанба куни Вена вақти билан соат 9 да Венадан Москвага самолётда учиб кетмоқчи, деди.

ФЕДЕРАЛ ПРЕЗИДЕНТ АДОЛЬФ ШЕРФГА, ФЕДЕРАЛ КАНЦЛЕР АЛЬФОНС ГОРБАХГА, ВИЦЕ-КАНЦЛЕР БРУНО ПИТТЕРМАНГА

ВЕНА

Венадан Москвага қайтишда Австрия давлат чегарасидан ўтиб кетатуриб, меҳмондўстлигингиз учун яна бир марта самимий миннатдорчилигимизни изҳор қилдик.

Илтифотларингиз ва меҳмондўстлигингиз учун Сиз жаноб федерал президентга, Австрия Республикасининг ҳукуматига, пойтахтингизнинг аҳолисига самимий ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Мамнуният билан шуни қайд қилиш мумкинки, бетараф Австриянинг халқаро обрўйи йилдан-йилга ўсмоқда ва унинг пойтахти турли мамлакатларнинг фақат олимлари, дипломатлари, журналистлари ва жамоат арбобларининг учрашувлари учунгина эмас, шу билан бирга давлат арбобларининг учрашувлари учун ҳам, кўриб турибмизки, кўп марталаб танлаб олинмоқда.

Совет Иттифоқи халқлар учун мустаҳкам тинчликни таъминлашга, қуролсизланиш проблемаларини тезроқ ижобий ҳал қилишга низоли халқаро масалаларни музокаралар олиб бориш воситаси билан тинч бартараф қилишга, ҳамма мамлакатлар билан яхши муносабатлар ўрнатишга ва шу муносабатларни давом эттиришга ҳамиша интилиб келди ва интилмоқда. Бунга илгариги конфликтларнинг қолдикларини халқаро ҳаётдан чиқариб ташлаш ва «совуқ урушни» тугатиш манфаатларини кўзлаб, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик орқали эришиш мумкин.

АҚШ президенти жаноб Кеннеди билан бу ерда ўтказилган учрашувларимиз ва суҳбатларимиз шу максадларга эришишга, давлатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ёрдам беради, деб ишонгим келади.

Яхши меҳмондўстлигингиз учун, бизга самимий муносабатда бўлганлигингиз учун сизларга яна бир марта ташаккур айтишга ижозат бергайсиз.

Венадан кетатуриб сизларга — кўришгунча, янаги учрашувларгача хайр, деган сўзларни яна бир марта айтмоқчиман.

* * *

Австрия президенти А. Шерф, федерал канцлер А. Горбах ва Австрия ҳукуматининг бошқа аъзолари Н. С. Хрушчевни самолёт трапига қадар узатиб келадилар. Улар унга яна оқ йўл тилайдилар. Н. С. Хрушчев уларга самимий ташаккур айтади.

Самолёт учиш йўлидан гизиллаб кетиб, сўнгра осмонга парвоз қилади. Узатувчилар қўлларини самолётга узатиб хайрлашиб қоладилар. СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг АҚШдаги элчиси М. А. Меньшиков ва Н. С. Хрушчевнинг Венага қилган сафарида ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар ҳам Н. С. Хрушчев билан бирга Ватанга жўнаб кетадилар.

Н. С. Хрушчевни узатиб қўйиш маросими Австрия радиоси ва телевидениеси орқали эшиттирилди ва кўрсатилди.

Ж. Кеннеди Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди

ВЕНА, 3 июнь (ТАСС махсус мухбири). АҚШ Президенти Ж. Кеннеди бугун Қўшма Штатларнинг Венадаги элчиси резиденциясида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР нинг АҚШдаги элчиси М. А. Меньшиков, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси А. Ф. Добринин СССР нинг австриядаги элчиси В. И. Авилов, маслаҳатчи О. А. Трояновский, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимларининг мудирлари Ф. Ф. Молочков ва М. А. Харламов ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Америка томонидан давлат секретари Д. Раск, АҚШнинг СССР даги элчиси Л. Томпсон, АҚШ давлат секретарининг махсус ёрдамчиси Ч. Болен, АҚШ Президентининг махсус ёрдамчиси М. Банди, АҚШ мудофаа министрининг халқаро хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси П. Нитце, АҚШ давлат секретарининг Европа ишлари бўйича ёрдамчиси Ф. Колер ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида АҚШ Президенти Ж. Кеннеди ва Н. С. Хрушчев бир-бирларининг шарафига қадаҳ кўтардилар.

Н. С. Хрушчев ва Ж Кеннеди шарафига Австрия президенти ҳузурида зиёфат

ВЕНА, 4 июнь. (ТАСС). 3 июнь кечқурун Австрия Республикасининг президенти доктор А. Шерф «Шенбрунн» саройининг катта залида СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев ва АҚШ Президенти Ж. Кеннеди шарафига зиёфат берди. Зиёфатда ҳар иккала давлат арбобларининг ҳамроҳлари ҳамда Австрия республикаси ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Зиёфатдан сўнг Австриянинг етакчи артистлари иштирокида меҳмонларга концерт берилди. Зиёфат самимий вазиятда ўтди.

Австрия президенти А. Шерф шарафига Н. С. Хрушчев ҳузурида қабул маросими

ВЕНА, 5 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев «Империал» меҳмонхонасида кеча кечқурун Австрия Республикаси президенти доктор А. Шерф шарафига зиёфат берди. Зиёфатда Австрия томонидан Австрия федерал-канцлери доктор А. Горбах, Австрия вице-канцлери Б. Питтерман, Австрия ҳукуматининг аъзолари, Австрия парламенти ҳар иккала палатасининг раислари, Австрия савдо-саноат палатасининг раиси, Австриянинг собиқ федерал-канцлери Юлиус Рааб ва бошқа расмий шахслар ҳам ҳозир бўлдилар. Қабул маросимида Совет томонидан СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР нинг АҚШдаги элчиси М. А. Меньшиков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг Коллегия аъзоси А. Ф. Добринин, СССРнинг Австрия Республикасидаги элчиси В. И. Авилов, шунингдек Н. С. Хрушчевнинг сафардош ҳамроҳлари ҳам қатнашдилар.

Қабул маросими самимий вазиятда ўтди.

Н. С. ХРУШЧЕВ билан Ж. КЕННЕДИнинг учрашуви

ВЕНА, 4 июнь. (ТАСС махсус мухбири). АҚШ Президенти Ж. Кеннеди СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан фикр олишишни давом эттирмоқ учун маҳаллий вақт билан соат 10-10 минутда Австриядаги совет элчихонаси биносига келди.

АҚШ давлат секретари Д. Раск, АҚШнинг СССРдаги элчиси Л. Томпсон, АҚШ давлат секретарининг махсус ёрдамчиси Ч. Болен ва бошқа расмий шахслар Ж. Кеннеди билан бирга келишди.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев, СССРнинг Австриядаги элчиси В. И. Авилов элчихона эшиги олдида АҚШ Президентини кутиб олдилар.

Совет Иттифоқи ва Америка Қўшма Штатларининг давлат арбоблари бир-бирлари билан қўл беришиб саломлашдилар.

Сўнгра СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва АҚШ Президенти Ж. Кеннеди фикр олишишни давом эттирмоқ учун элчихона уйларидан бирига кириб кетишди.

АҚШ Президенти Ж. Кеннединнинг Австриядаги совет элчихонасига келиши ва унинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан учрашуви телевидение орқали Совет Иттифоқига, Венгрия Халқ Республикасига, Польша Халқ Республикасига, Чехословакияга, Германия Демократик Республикасига, Англияга, Францияга, Италияга ва Нидерландияга кўрсатиб турилди.

ВЕНА, 4 июнь. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Ж. Кеннединнинг Венадаги совет элчихонаси биносида олти соатдан кўпроқ давом қилган учрашуви маҳаллий вақт билан соат 16-35 минутда тамом бўлди. Учрашув вақтида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Америка Қўшма Штатлари Президенти Ж. Кеннеди шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда совет томонидан: СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР нинг АҚШ даги элчиси М. А. Меньшиков, СССР Ташқи ишлар министрлигининг Коллегия аъзоси А. Ф. Добринин, СССР нинг Австриядаги элчиси В. И. Авилов, кенгашчилар Г. Т. Шуйский, В. С. Лебедев, О. А. Трояновский, В. П. Грубяков, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимларининг мудирлари М. А. Харламов ва Ф. Ф. Молочков; Америка томонидан: АҚШ давлат секретари Д. Раск, АҚШ нинг СССР даги элчиси Л. Томпсон, АҚШнинг Австриядаги элчиси Ф. Мэттьюс, давлат секретарининг махсус ёрдамчиси Ч. Болен, АҚШ Президентининг махсус ёрдамчиси М. Банди, мудофаа министрининг халқаро хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси П. Нитце, давлат секретарининг Европа ишлари бўйича ёрдамчиси Ф. Колер. Оқ уйнинг матбуот масалалари билан шуғулланувчи секретари П. Сэлинжер ва бошқа расмий шахслар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Н. С. Хрушчев ва Ж. Кеннеди бир-бирларининг шарафига қадаҳ кўтардилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ Москвага жўнаб кетди

ВЕНА, 5 июнь. (ТАСС махсус мухбири). АҚШ Президенти Жон Кеннеди билан икки кун суҳбатлашганидан кейин СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун эрталаб махсус самолётда Венадан Москвага жўнаб кетди.

Австрия пойтахтининг аҳолиси Совет ҳукумати бошлигини самимият билан узатиб қўйиб, бу ердан Н. С. Хрушчевнинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги учун ҳамда АҚШ Президенти билан Венада ўтказилган учрашувлар ва суҳбатлар вақтида тинчлик манфаатлари йўлида катта ишлар қилганлиги учун ўзининг миннатдорчилигини изҳор қилди.

Австриянинг федерал президенти А. Шерф, федерал канцлер А. Горбах, вице-канцлер Б. Питтерман ва Австрия ҳукуматининг бошқа аъзолари, дипломатик корпус аъзолари, жамоатчилик намояндалари, журналистлар, Вена аҳолисидан жуда кўп кишилар Н. С. Хрушчевни узатиб қўймоқ учун Венадаги Швехат аэродромига келдилар. Узатиб қўйиш учун келган кишилар орасида СССРнинг Австриядаги элчиси В. И. Авилов, совет элчихонасининг ходимлари, АҚШнинг Австриядаги элчиси Мэттьюс бор эди. Аэродром Совет ва Австрия байроқлари билан безатилган эди.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев шарафига фахрий қоровул саф тортиб турди.

Н. С. Хрушчев аэродромга келиши билан автомашинадан чиқиб, кузатувчилар олдига боради. Уни Австрия президенти А. Шерф кутиб олади.

Н. С. Хрушчев ва А. Шерф саф тортиб турган фахрий қоровул олдидан ўтадилар. СССР ва Австрия давлат гимнлари янграйди.

Президент Шерф микрофон олдига келиб қисқа нутқ сўзлайди. Сиз, — дейди у, — бизнинг мамлакатимизга келганлигингиз учун хурсанд бўлдик. Бизнинг мамлакатимизга яна келасиз деб умидворамиз. Шунинг учун ҳам мен сизга «Кўришгунча хайр» деб айтаётирман.

Шундан кейин Н. С. Хрушчев микрофон олдига келади.

Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Муҳтарам жаноб федерал президент!

Муҳтарам жаноб федерал канцлер!

Муҳтарам жаноб вице-канцлер!

Муҳтарам ҳонимлар ва жаноблар!

Биз бир неча минутдан сўнг Ватанимизга жўнаб кетамиз. Сизларнинг тинчликсевар мамлакатингизда яна бир марта бўлиб, Австриянинг давлат арбоблари билан, гўзал Вена аҳолиси билан учрашиб, ҳузур қилдик.

Илтифотларингиз ва меҳмондўстлигингиз учун Сиз жаноб федерал президентга, Австрия Республикасининг ҳукуматига, пойтахтингизнинг аҳолисига самимий ташаккур айтишга ижозат бергайсиз. Мамнуният билан шуни қайд қилиш мумкинки, бетараф Австриянинг халқаро обрўйи йилдан-йилга ўсмоқда ва унинг пойтахти турли мамлакатларнинг фақат олимлари, дипломатлари, журналистлари ва жамоат арбобларининг учрашувлари учунгина эмас, шу билан бирга давлат арбобларининг учрашувлари учун ҳам, кўриб турибмизки, кўп марталаб танлаб олинмоқда.

Совет Иттифоқи халқлар учун мустаҳкам тинчликни таъминлашга, қуролсизланиш проблемаларини тезроқ ижобий ҳал қилишга низоли халқаро масалаларни музокаралар олиб бориш воситаси билан тинч бартараф қилишга, ҳамма мамлакатлар билан яхши муносабатлар ўрнатишга ва шу муносабатларни давом эттиришга ҳамиша интилиб келди ва интилмоқда. Бунга илгариги конфликтларнинг қолдикларини халқаро ҳаётдан чиқариб ташлаш ва «совуқ урушни» тугатиш манфаатларини кўзлаб, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик орқали эришиш мумкин.

АҚШ президенти жаноб Кеннеди билан бу ерда ўтказилган учрашувларимиз ва суҳбатларимиз шу максадларга эришишга, давлатлар ўртасида мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ёрдам беради, деб ишонгим келади.

Яхши меҳмондўстлигингиз учун, бизга самимий муносабатда бўлганлигингиз учун сизларга яна бир марта ташаккур айтишга ижозат бергайсиз.

Венадан кетатуриб сизларга — кўришгунча, янаги учрашувларгача хайр, деган сўзларни яна бир марта айтмоқчиман.

* * *

Австрия президенти А. Шерф, федерал канцлер А. Горбах ва Австрия ҳукуматининг бошқа аъзолари Н. С. Хрушчевни самолёт трапига қадар узатиб келадилар. Улар унга яна оқ йўл тилайдилар. Н. С. Хрушчев уларга самимий ташаккур айтади.

Самолёт учиш йўлидан гизиллаб кетиб, сўнгра осмонга парвоз қилади. Узатувчилар қўлларини самолётга узатиб хайрлашиб қоладилар. СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССРнинг АҚШдаги элчиси М. А. Меньшиков ва Н. С. Хрушчевнинг Венага қилган сафарида ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар ҳам Н. С. Хрушчев билан бирга Ватанга жўнаб кетдилар.

Н. С. Хрушчевни узатиб қўйиш маросими Австрия радиоси ва телевидениеси орқали эшиттирилди ва кўрсатилди.

Доктор Сукарно Москвага келди

Индонезиянинг атоқли давлат ва сиёсий арбоби, Индонезия Республикасининг президенти ва бош министри доктор Сукарно 5 июнда Москвага келди.

Внуково аэродромида индонезиялик азиз ва ҳурматли меҳмонни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва Совет ҳукуматининг бошқа раҳбарлари, шунингдек пойтахт меҳнаткашларининг ва жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари кутиб олдилар.

Л. И. Брежнев ва доктор Сукарно аэродромда нутқ сўзладилар. (ТАСС).

ССР Иттифоқи Министрлар Советида

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

ССР Иттифоқи Министрлар Совети чет тилларни ўрганишни яхшилаш масаласини кўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди. Қарорда айтиладики, фан, техника ва маданиятнинг турли тармоқларидаги мутахассисларнинг, шунингдек мамлакатимиз меҳнаткашлари кенг доираларининг чет тилларни билиши халқаро алоқаларни ҳамда маданий ва илмий-техника муваффақиятларини ўзаро айирбошлашни кенг ривожлантирмоқ учун муҳим аҳамиятга эга.

Чет тилларни ўқитиш кейинги йилларда бирмунча яхшиланди. Чет тилдан дарс берувчи малакали ўқитувчилари ҳамда зарур биноларни бўлган умумий таълим мактабларида 25 кишидан ошиқ ўқувчиси бўлган синфлар чет тил машғулотларини ўтказиш учун икки группага бўлинади. Синфларни группаларга бўлишга бешинчи синфларда 1961-1962 ўқув йилидан бошлаб киришиш ва бу ишни суруштирасига ўтказиб, етти йил ичида тугаллаш таклиф қилинди. Кечки (сменали) ўрта мактабларнинг IX-XI синфлари учун, малакали ўқитувчилар бўлган ҳамда ўқувчиларнинг сони етарли бўлган тақдирда чет тил бўйича ҳафтасига икки соатдан қўшимча факультатив машғулотлар ўтказиш кўзда тутилади.

Бир қанча фанларни чет тилларда ўқитадиган камида 700 та умумий таълим мактабларини қўшимча равишда 1961-1965 йиллар мобайнида очиш; интернат-мактабларда чет тилларни ўрганишни яхшилаш, шунингдек малакали ўқитувчиларни бўлган интернат-мактабларни 1961-62 ўқув йилидан бошлаб бир қанча фанларни чет тилда ўқитадиган умумий таълим мактабларининг ўқувчиларини ва программаларини бўйича дарс ўтувчи мактабларга айлантириш иттифоқчи республикаларнинг министрлар советларига топширилди.

Шунингдек, мактабларда чет тил машғулотларини ўтказиш учун талаб қилинадиган ускуналар ва кўргазмали ўқув қуролларининг минимумини белгилаш ҳамда чет тил ўқитилаётган ҳарбир ўрта ва саккиз йиллик мактабни яқин йиллар ичида зарур техника ускуналари ва кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминлайдиган қилиб жиҳозлаш ҳамда кўргазмали ўқув қуролларини ясаб беришни кўзда тутиш вазифаси топширилди, бунинг учун СССР Давлат план комиссияси ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари мактабларда чет тилларни ўрганиш учун зарур ускуналар ажратиб беришни ҳар йилги планларда кўзда тутишлари лозим.

ССР Министрлар Совети шуни белгилаб қўйдики, чет тилларни дарс берувчи малакали ўқитувчилари ҳамда зарур биноларни бўлган умумий таълим мактабларида 25 кишидан ошиқ ўқувчиси бўлган синфлар чет тил машғулотларини ўтказиш учун икки группага бўлинади. Синфларни группаларга бўлишга бешинчи синфларда 1961-1962 ўқув йилидан бошлаб киришиш ва бу ишни суруштирасига ўтказиб, етти йил ичида тугаллаш таклиф қилинди. Кечки (сменали) ўрта мактабларнинг IX-XI синфлари учун, малакали ўқитувчилар бўлган ҳамда ўқувчиларнинг сони етарли бўлган тақдирда чет тил бўйича ҳафтасига икки соатдан қўшимча факультатив машғулотлар ўтказиш кўзда тутилади.

Бир қанча фанларни чет тилларда ўқитадиган камида 700 та умумий таълим мактабларини қўшимча равишда 1961-1965 йиллар мобайнида очиш; интернат-мактабларда чет тилларни ўрганишни яхшилаш, шунингдек малакали ўқитувчиларни бўлган интернат-мактабларни 1961-62 ўқув йилидан бошлаб бир қанча фанларни чет тилда ўқитадиган умумий таълим мактабларининг ўқувчиларини ва программаларини бўйича дарс ўтувчи мактабларга айлантириш иттифоқчи республикаларнинг министрлар советларига топширилди.

Шунингдек, мактабларда чет тил машғулотларини ўтказиш учун талаб қилинадиган ускуналар ва кўргазмали ўқув қуролларининг минимумини белгилаш ҳамда чет тил ўқитилаётган ҳарбир ўрта ва саккиз йиллик мактабни яқин йиллар ичида зарур техника ускуналари ва кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминлайдиган қилиб жиҳозлаш ҳамда кўргазмали ўқув қуролларини ясаб беришни кўзда тутиш вазифаси топширилди, бунинг учун СССР Давлат план комиссияси ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари мактабларда чет тилларни ўрганиш учун зарур ускуналар ажратиб беришни ҳар йилги планларда кўзда тутишлари лозим.

ССР Министрлар Совети шуни белгилаб қўйдики, чет тилларни дарс берувчи малакали ўқитувчилари ҳамда зарур биноларни бўлган умумий таълим мактабларида 25 кишидан ошиқ ўқувчиси бўлган синфлар чет тил машғулотларини ўтказиш учун икки группага бўлинади. Синфларни группаларга бўлишга бешинчи синфларда 1961-1962 ўқув йилидан бошлаб киришиш ва бу ишни суруштирасига ўтказиб, етти йил ичида тугаллаш таклиф қилинди. Кечки (сменали) ўрта мактабларнинг IX-XI синфлари учун, малакали ўқитувчилар бўлган ҳамда ўқувчиларнинг сони етарли бўлган тақдирда чет тил бўйича ҳафтасига икки соатдан қўшимча факультатив машғулотлар ўтказиш кўзда тутилади.

Бир қанча фанларни чет тилларда ўқитадиган камида 700 та умумий таълим мактабларини қўшимча равишда 1961-1965 йиллар мобайнида очиш; интернат-мактабларда чет тилларни ўрганишни яхшилаш, шунингдек малакали ўқитувчиларни бўлган интернат-мактабларни 1961-62 ўқув йилидан бошлаб бир қанча фанларни чет тилда ўқитадиган умумий таълим мактабларининг ўқувчиларини ва программаларини бўйича дарс ўтувчи мактабларга айлантириш иттифоқчи республикаларнинг министрлар советларига топширилди.

Шунингдек, мактабларда чет тил машғулотларини ўтказиш учун талаб қилинадиган ускуналар ва кўргазмали ўқув қуролларининг минимумини белгилаш ҳамда чет тил ўқитилаётган ҳарбир ўрта ва саккиз йиллик мактабни яқин йиллар ичида зарур техника ускуналари ва кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминлайдиган қилиб жиҳозлаш ҳамда кўргазмали ўқув қуролларини ясаб беришни кўзда тутиш вазифаси топширилди, бунинг учун СССР Давлат план комиссияси ва иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советлари мактабларда чет тилларни ўрганиш учун зарур ускуналар ажратиб беришни ҳар йилги планларда кўзда тутишлари лозим.

ССР Министрлар Совети шуни белгилаб қўйдики, чет тилларни дарс берувчи малакали ўқитувчилари ҳамда зарур биноларни бўлган умумий таълим мактабларида 25 кишидан ошиқ ўқувчиси бўлган синфлар чет тил машғулотларини ўтказиш учун икки группага бўлинади. Синфларни группаларга бўлишга бешинчи синфларда 1961-1962 ўқув йилидан бошлаб киришиш ва бу ишни суруштирасига ўтказиб, етти йил ичида тугаллаш таклиф қилинди. Етарли тайёргарлиги бўлмаган чет тил ўқитувчиларини малакани ошириш курсларига юбориш ёки уларни мавжуд қонунларга мувофиқ ишдан озод қилиб, бошқа ишга жойлаштириш чораларини кўриш таклиф қилинади.

ССР Министрлар Советининг қарорида катталар учун чет тилларни ўқитадиган доимий ва сиртқи курсларни кўпайтириш ва кенгайтириш кўзда тутилади. Чет тиллар ўқитиладиган курслардаги группаларда бўлган ўқувчиларнинг сони 20 кишидан ошиқ бўлмасин деб тавсия қилинди. РСФСР Маориф министрлигига иттифоқчи республикаларнинг ўқув-методика материалларига бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олиб, чет тилларни ўрганиш курсларида ўқувчилар учун ана шундай материалларни нашр этиш вазифаси юкланди.

РСФСР Маориф министрлиги ва РСФСР Педагогика фанлари академияси мактаблар учун чет тиллар программаларини яхшилашлари ва шу программага мувофиқ яқин уч-тўрт йил ичида янги дарсликлар нашр этишлари, бу дарсликларнинг мазмуни ўқувчиларда оғзаки нутқ малакаларини ва чет тилда ёзилган текстни луғатисиз таржима этиш малакасини ҳосил қилишига энг кўп даражада ёрдам кўрсатишига алоҳида эътибор беришлари, шунингдек янги дарсликларга татбиқан ўқитувчилар учун ва ўқувчиларнинг уйда ўқишлари учун китоблар нашр этишни кўзда тутишлари лозим.

(Охири учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон ССР жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексига қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1-модда. Ўзбекистон ССР Жиноят Кодекси 23^{1}, 49^{1}, 67^{1}, 79^{1}, 114^{1}, 119^{2}, 147^{1}, 149^{1}, 180^{1}, 209^{1}, 209^{2}-моддалар билан қуйидаги таҳрирда тўлдирилсин.

«23^{1}-модда. Алоҳида хавфли рецидивист

Илгари давлатга қарши алоҳида хавфли жинояти (54-63-моддалар), бандитизм (67-модда), меҳнат-ахлоқ тузатиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлари (67^{1}-модда), қасддан одам ўлдиргани (80, 81-моддалар), қасддан баданга оғир шикаст етказгани (88-модда), номусга теккани (94-модда), давлат ёки жамоат мулкини кўп ва жуда кўп миқдорда ўғирлагани (114-модданинг III-қисми, 115-модданинг III қисми, 117-модданинг III-қисми, 118-модданинг III-қисми, 119-модданинг III-қисми, 119^{1}-модда), давлат ёки жамоат мулкини ёхуд гражданларнинг шахсий мулкини эгаллаб олиш мақсадида босқинчилик қилгани (116 ва 127-моддалар) учун судланган ҳамда шу кўрсатилган жиноятлардан қайси бири юзасидан биринчи марта судланганидан қатъи назар, яна шу жиноятлардан биронтасини қилган шахс суд ҳукми билан алоҳида хавфли рецидивист деб топилиши мумкин.

Суд, шунингдек, ўғирлик, фирибгарлик (майда ўғирлик учун судланишдан ташқари), таланчилик, спекуляция, ашаддий хулиганлик қилгани учун уч марта судланган ёки шу кўрсатилган жиноятларнинг биронтаси юзасидан ва Жиноят Кодексининг мазкур моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятлардан бири юзасидан лоақал икки марта судланган ва шундан сўнг Жиноят Кодексининг ушбу моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган жиноятлардан бирини яна қилган шахсни ҳам алоҳида хавфли рецидивист деб топиши мумкин.

Суд шахсни алоҳида хавфли рецидивист деб топиш масаласини ҳал қилаётганда, содир бўлган жиноятнинг характерини ва жамоат учун хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини ва ишнинг ҳолатини ҳисобга олади.

Шахснинг ўн саккиз ёшга тўлганига қадар қилган жиноятлари учун судланганлиги ёки Қонун билан белгиланган тартибда бекор бўлган ёки олиб ташланган судланганлик шахсни алоҳида хавфли рецидивист деб топиш учун асос бўла олмайди».

«49^{1}-модда. Ишни ўртоқлик судига бериб жиноий жавобгарликдан озод қилиш

Агар шахс кам аҳамиятли жиноятни биринчи марта қилган бўлса ва агар айбдорнинг қилмиши ва шахсига қараб, уни ижтимоий таъсир чоралари билан тузатиш мумкин деб топилса, у шахс жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиниб, унинг жавобгарлиги тўғрисидаги масала ўртоқлик судининг муҳокамасига берилиши мумкин».

«67^{1}-модда. Меҳнат-ахлоқ тузатиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар

Алоҳида хавфли рецидивистлар, шунингдек оғир жиноятлари учун ҳукм қилинганлари ҳолда, қамоқ жойларида тузалиш йўлига ўтган маҳбусларни террор қилувчи, ёки маъмуриятга ҳужум қилувчи, ёхуд шу мақсадда жиноий гуруҳларни ташкил этувчи, ёинки бундай гуруҳларда актив иштирок этувчи шахслар—саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади».

«79^{1}-модда. Давлатга қарши жиноятларни яшириш

Шу Кодекснинг 54-59, 62, 67, 68, 77 ва 78-моддаларида кўзда тутилган, давлатга қарши жиноятларни олдиндан ваъда бермай яшириш—икки йилдан беш йилгача сургун қилиб ёки сургун қилмасдан бир йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан ёки беш йилгача муддатга сургун қилиш билан жазоланади».

«114^{1}-модда. Давлат ёки жамоат мулкини майда ўғирлаш

Давлат ёки жамоат мулкини ўғирлик, фирибгарлик, ўзлаштириш, растрата ёки хизмат мансабини суиистеъмол қилиш йўли билан майда ўғирлаш майда ўғирлик қилгани учун жамоат таъсири чораси қўлланилган шахс томонидан қилинса, ёки гарчи шундай чора қўлланилмаган бўлса-да, лекин бир неча марта майда ўғирлик қилган шахс томонидан, шунингдек ишнинг ҳолатига кўра жамоат таъсири чорасини қўллаш мумкин бўлмаган шахслар томонидан қилинса,—олти ойгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Давлат ёки жамоат мулкини майда ўғирлаш илгари шундай жинояти учун ёки давлат ёки жамоат мулкини ўғирлагани (майда ўғирликдан ташқари) учун судланган ёхуд гражданларнинг шахсий мулкини эгаллаб олиш мақсадида ўғирлик, фирибгарлик, таланчилик учун ёки давлат ёки жамоат мулкини ёхуд гражданларнинг шахсий мулкини эгаллаб олиш мақсадида босқинчилик қилгани учун илгари судланган шахс томонидан содир этилса, — бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

«119^{1}-модда. Давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда ўғирлаш

Давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда ўғирлаш, қандай усулда ўғирланишидан қатъи назар (114-119-моддалар), — мол-мулкини мусодара қилиб ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан ёхуд мол-мулкини мусодара қилиб ўлим жазоси билан жазоланади».

«147^{1}-модда. Диний маросимларни бажариш ниқоби остида гражданларнинг шахсига ва ҳуқуқига тажовуз қилиш

Диний таълимотларни тарғиб қилиш ва диний маросимларни бажариш ниқоби остида гражданларнинг соғлиғига зарар етказиш ёки гражданларнинг шахсига ёки ҳуқуқига бошқа тажовузлар қилиш, шунингдек гражданларни ижтимоий фаолиятдан ёки гражданлик бурчини бажаришдан бош тортишга ундаш ишлари билан боғлиқ бўлган группалар ташкил қилиш ёки уларга раҳбарлик қилиш —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан ёки шу муддатгача сургун қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган группанинг фаолиятида актив иштирок этиш, шунингдек шу қисмда кўрсатилган ҳаракатларни қилишни систематик равишда тарғиб этиш—

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатгача сургун қилиш ёхуд бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг ҳаракатлари ёки шу ҳаракатларни қилган шахсларнинг ўзлари жамоат учун унча хавфли бўлмаса, уларга нисбатан ижтимоий таъсир кўрсатиш чораларини қўлланиш мумкин».

«149^{1}-модда. Планларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларнинг ошириб ёзилиши ва бошқа хилдаги бузиб кўрсатишлар учун жавобгарлик тўғрисида

Давлат ҳисоботига ошириб ёзиш ва планларнинг бажарилиши тўғрисида қасддан бузиб кўрсатилган бошқа ҳисобот маълумотларини тақдим этиш СССР халқ хўжалигига зарар етказувчи давлатга қарши ҳаракатлар деб топилиб,—

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«180^{1}-модда. Автомототранспортдан қонунсиз фойдаланиш

Автомототранспорт ходимининг, жамоат ва маъмурий таъсир кўрсатиш чораси қўлланилгандан кейин ҳам, хизмат бўйича ўзига ишониб топширилган транспортдан ғаразли мақсадларда бегона юклар ва пассажирлар ташиш учун қонунсиз фойдаланиш—

бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 100 сўмгача штраф солиш билан жазоланади ҳамда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан уч йилгача муддатга маҳрум этилади».

209^{1}-модда. Автотранспорт қоидаларини бузиш

Транспортдаги тартибни ва ҳаракат хавфсизлигини сақлаш тўғрисида амалда бўлган қоидаларни бузиш, шунингдек транспорт хўжалигидаги мансабдор шахслар томонидан бузуқ транспорт воситаларини систематик равишда йўлга чиқариш ёки техника жиҳатдан бузуқ автомототранспортда, шаҳар электротранспортида юришга мажбур этиш—

бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёки 100 сўмгача штраф солиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар одамнинг ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса,—

беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

209^{2}-модда. Автотранспортни ҳайдаб қочиш

Автомобиль, мотоцикл ёки бошқа хил автомототранспортни ўғирлаш мақсадини кўзламай ҳайдаб қочиш—

бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки шу муддатгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд 100 сўмгача штраф солиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 22, 23-моддалари, 43-моддасининг VI қисми, 49-моддаси, 50-модданинг II ва IV қисми, 78, 80, 94, 98, 114, 115, 116, 117, 118, 119, 125, 126, 127, 180, 208, 209, 219 ва 220-моддалари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«22-модда. Фавқулодда жазо чораси—ўлим жазоси

Ўлим жазоси отиб ўлдириш батамом бекор қилингунча, фавқулодда жазо чораси сифатида қуйидагилар учун: Ватанга хиёнат қилганлик, жосуслик, қўпорувчилик, террорлик акти, бандитизм учун, касб сифатида қалбаки пул ва қимматдор қоғозларни ясаганлиги ёки уларни ўтказганлиги учун, СССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Жиноят қонунларининг қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарликка тортишни белгиловчи моддаларида кўрсатилган айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун, давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда ўғирлаганлик учун, уруш вақтида ёки жанг вазиятида эса СССР Иттифоқи қонунларида махсус кўзда тутилган бошқа алоҳида оғир жиноятлар учун ҳам қўлланишга йўл қўйилади.

Ўлим жазосини—отиб ўлдиришни алоҳида хавфли рецидивистларга нисбатан, шунингдек оғир жиноятлари учун судланиб, қамоқ жойларида тузалиш йўлига ўтган маҳбусларни террор қилувчи, ёки маъмуриятга ҳужум қилувчи, ёхуд шу мақсадда жиноий гуруҳларни ташкил этувчи, шунингдек бундай гуруҳларда актив қатнашувчи шахсларга нисбатан ҳам қўлланиш мумкин.

Жиноят қилгунга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар ва жиноят қилиш пайтида ёки ҳукм чиқарилиш вақтида ҳомиладор бўлган аёллар ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин эмас. Ҳукмни ижро этиш пайтида ҳомиладор бўлган аёлларга нисбатан ҳам ўлим жазоси қўлланилиши мумкин эмас».

«23-модда. Озодликдан маҳрум қилиш

Озодликдан маҳрум қилиш уч ойдан кам ва ўн йилдан ошиқ бўлмаган муддатга, алоҳида оғир жиноятлар ва алоҳида хавфли рецидивистлар учун эса ССР Иттифоқи қонунларида ва ушбу Кодексда кўрсатилган ҳолларда, ўн беш йилдан ошиқ бўлмаган муддатга белгиланади.

Тюрьмага қамаш тариқасида озодликдан маҳрум қилиш, жазонинг ҳамма муддатига ёки унинг бир қисмига суд томонидан оғир жиноят қилган шахсларга нисбатан, шунингдек алоҳида хавфли рецидивистларга нисбатан тайинланиши мумкин.

Жиноят содир этилганга қадар ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсга жазо белгилашда озодликдан маҳрум қилиш муддати ўн йилдан ошиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганлар жазони тегишли режимли меҳнат-ахлоқ тузатиш колониясида ёки тюрьмада ўтайдилар, вояга етмаганлар эса — вояга етмаганлар учун белгиланган меҳнат колониясида ўтайдилар.

Қамоқ муддатининг камида ярмини тюрьмада ўтаган шахсларга, уларнинг хулқи намунали бўлган тақдирда, суднинг белгилашига мувофиқ, тюрьма қамоғи колонияда сақлаш билан алмаштирилиши мумкин.

Меҳнат-ахлоқ тузатиш колониясида белгиланган тартибни қасддан бузаётган шахсларга колонияда ўталадиган жазо суднинг белгилашига мувофиқ уч йилдан ошиқ бўлмаган муддатга тюрьма қамоғи билан алмаштирилиши мумкин. Жазонинг қолган муддати меҳнат-ахлоқ тузатиш колониясида ўталади».

43-модданинг олтинчи қисми

«Суд ишнинг ҳолатини, айбдорнинг шахсини, шунингдек айбдор ишлаб турган жойдаги жамоат ташкилотлари ёки ишчи, хизматчи, колхозчилар коллективининг айбдорни шартли ҳукм қилиш ҳақидаги илтимосини ҳисобга олиб, шартли ҳукм қилинган шахсни шу ташкилот ёки коллективга қайта тарбиялаш ва тузатиш учун бериши мумкин».

«49-модда. Айбдорни жамоат ташкилотларига кафилликка бериб, жиноий жавобгарликдан озод қилиш

Жиноят ва шу жиноятни қилган шахс жамоат учун унча хавфли бўлмаган ва айбдорнинг ҳаракатлари оғир оқибатларга сабаб бўлмаган ҳолларда, айбдор ўз қилмишига самимий тавба қилса, жамоат ташкилоти ёки меҳнаткашлар коллективининг илтимосига мувофиқ айбдор жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиниб, шу жамоат ташкилотига ёки меҳнаткашлар коллективига қайта тарбиялаш ва тузатиш учун кафилликка берилиши мумкин.

Иккинчи марта қасддан жиноят қилган ёки жиноят қилганлиги сабабли илгари кафилликка берилган шахс, шунингдек ўзини айбдор ҳисобламай, ишнинг судда кўрилишини талаб қилаётган шахс кафилликка берилиши мумкин эмас.

Агар кафилликка олинган шахс бир йил мобайнида коллективнинг ишончини оқламаса, намунавий ахлоқи ва ҳалол меҳнати билан ўзининг тузалиши тўғрисида берган ваъдасини бузса, социалистик турмуш тартиб-қоидаларига бўйсунмаса ёки жамоат таъсиридан бўйин товлаш мақсадида меҳнат коллективини ташлаб кетса, уни кафилликка олган жамоат ташкилоти ёки меҳнаткашлар коллективи кафолатдан воз кечиш тўғрисида қарор чиқаради ва бу қарорни у қайси жиноят муносабати билан кафилликка берилган бўлса, шу жиноят учун жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиш учун прокуратура ёки судга юборилади».

50-модданинг иккинчи ва тўртинчи қисмлари

Иккинчи қисм. «Меҳнат-ахлоқ тузатиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлар (67^{1}-модда), оммавий тартибсизлик (69-модда), қасддан одам ўлдириш (81. модда), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (88-модда), таланчилик (115-модданинг III қисми ва 126-модданинг III қисми), ўғирлик (114-модданинг III қисми, 125-модданинг III қисми), давлат ёки жамоат мулкини ўзлаштириш ёки растрата, хизмат мансабини суиистеъмол қилиш, фирибгарлик йўли билан талон-торож қилиш (117-модданинг III қисми, 118-модданинг III қисми, 119-модданинг III қисми), итоатсизлик (226-модданинг «б» банди), бошлиққа қаршилик кўрсатиш (228-модданинг «б» банди), бошлиққа нисбатан зўрлик ишлатиш (230-модданинг 1 қисми) учун судланган шахсларга нисбатан, шунингдек ашаддий хулиганлик (204-модданинг II қисми) учун икки марта судланган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилишни ва ўталмаган жазо қисмини енгилроқ жазо билан алмаштиришни, белгиланган жазонинг камида учдан икки қисмини амалда ўтагандан сўнггина қўлланиш мумкин.

Тўртинчи қисм. «Жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазо муддатининг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

1) алоҳида хавфли рецидивистларга нисбатан;

2) озодликдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган ёки ўталмаган жазо қисмини енгилроқ жазо билан алмаштирилган шахсларга нисбатан, башарти бу шахслар жазонинг ўталмаган қисми тугагунча яна қасддан жиноят қилгани учун озодликдан маҳрум этилган бўлсалар;

3) давлатга қарши алоҳида хавфли жиноятлар учун (54-63-моддалар), бандитизм (67-модда), қалбаки пуллар ёки қимматдор қоғозларни ясаш ва уларни ўтказиш (77-модда), валюта операцияларини тўғрисидаги қоидаларни бузиш (78-модда), давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда ўғирлаш (119^{1}-модда), айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (80-модда), номусга тегиши оғир оқибатларга олиб келса ёки балоғатга етмаганларнинг номусига тегиш (94-модданинг II ва III қисмлари), босқинчилик (116 ва 127-моддалар), айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда пора олиш, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиш (152-модданинг II қисми, 153-модданинг II қисми ва 154-модданинг II қисми) учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан».

«78-модда. Валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузиш

Валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузиш, шунингдек валюта қийматликлари ёки қимматдор қоғозлар билан спекуляция қилиш —

мол-мулкини мусодара қилиб, ёки қилмасдан, валюта қийматликлари ва қимматдор қоғозларни албатта мусодара қилиб ва икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан уч йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Валюта қийматликлари ёки қимматдор қоғозлар билан касб сифатида ёки катта миқдорда спекуляция қилиш, шунингдек ушбу модданинг биринчи қисми бўйича илгари судланган шахслар томонидан валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузиш —

мол-мулкини мусодара қилиб ва икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан беш йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«80-модда. Айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш

Қасддан одам ўлдириш:

1) ғараз билан қилинганда;

2) хулиганлик орқасида қилинганда;

3) жабрланувчининг хизмат ёки жамоат бурчини бажариш муносабати билан қилинганда;

4) икки ёки бир неча киши ўлдирилганда;

5) аёлнинг ҳомиладорлигини айбдор била туриб ўлдирганида;

6) жуда раҳмсизлик билан ёки кўпчиликнинг ҳаёти учун хавфли бўлган усуллар билан қилинганда;

7) аёлларга нисбатан ўтмишнинг қолдиқлари таъсирида қилинганда;

8) бошқа бирор жиноятни яшириш ёки енгиллаштириш мақсади билан қилинганда, шунингдек номусига тегиш билан боғлиқ ҳолда қилинганда;

9) алоҳида хавфли рецидивист ёки илгари қасддан одам ўлдирган шахслар томонидан қилинганда, ушбу Кодекснинг 82, 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган одам ўлдиришлар бундан мустасно, —

саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси билан жазоланади».

94-модданинг биринчи қисмининг санкциясидаги «тўрт йилдан олти йилгача» деган сўзлар «уч йилдан етти йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Шу модданинг иккинчи ва учинчи қисмлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вояга етмаганларнинг номусига тегиш, шунингдек номусига тегиш бир группа шахслар томонидан ёки илгари шундай жиноят қилган шахс томонидан содир этилса, —

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Номусга тегиш алоҳида хавфли рецидивист томонидан содир этилса, ёки алоҳида оғир оқибатларга олиб келса, —

етти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«98-модда. Никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ва бундай шахс билан никоҳда бўлиш

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳда бўлиш —

бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Жинсий жиҳатдан етилмаган шахслар билан никоҳда бўлиш —

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Никоҳ ёшига етмаганларнинг ота-оналари ёки бошқа шахслар томонидан эрга берилиши —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

«114-модда. Давлат ёки жамоат мулкини ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш

Ўғирлик, яъни давлат ёки жамоат мулкини яширин равишда ўғирлаш —

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Такроран ёки группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қилинган ўғирлик —

олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғирлик билан кўп миқдордаги мулк ўғирланса ёки бу ҳаракат алоҳида хавфли рецидивист томонидан қилинса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан беш йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

Эслатма: Давлат ёки жамоат мулкини ўғирлик (114-модда), талончилик (115-модда), ўзлаштириш ёки растрата ёхуд хизмат мансабини суиистеъмол қилиш (117, 118-моддалар), фирибгарлик (119-модда), давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда ўғирлаш (119^{1}-модда) йўли билан талон-торож қилиш, агар бундай ҳаракат давлат ёки жамоат мулкини бирор тарзда ўғирлашдан (114, 115, 117, 118, 119, 119^{1}-моддалар). (майда ўғирликдан ташқари) ёки ўғирлик (125-модда), фирибгарлик (129-модда), талончилик (126-модда), босқинчиликдан (116 ва 127-моддалар) ёхуд бандитизмдан (67-модда) сўнг содир қилинса, такрорий ўғирлик сифатида жиноий жавобгарликка тортилади.

«115-модда. Давлат ёки жамоат мулкини талончилик йўли билан ўғирлаш

Талончилик, яъни давлат ёки жамоат мулкини очиқ равишда ўғирлаш —

тўрт йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Талончилик жабрланувчи шахснинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаган ишлатиш зўрлик билан ёки шундай зўрлик ишлатиш хавфи билан қўрқитиб ёхуд группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки такроран қилинса, —

етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик йўли билан кўп миқдордаги мулк таланса ёки бу ҳаракат алоҳида хавфли рецидивист томонидан қилинса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан олти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«116-модда. Давлат ёки жамоат мулкини ўғирлаш мақсадида босқинчилик қилиш

Босқинчилик, яъни давлат ёки жамоат мулкини эгаллаш мақсадида ҳужум қилиш, агар бундай ҳужум қилиш ҳужум қилинган шахснинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган даражада зўрлик ишлатиб қилинса ёки шундай зўрлик ишлатиш хавфи билан қилинса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар давлат ёки жамоат мулкини кўп миқдорда эгаллаб олишга қаратилган бўлса ёки группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қилинган бўлса ёхуд баданга оғир шикаст етказиб қилинса ёки алоҳида хавфли рецидивист томонидан ёхуд давлат ёки жамоат мулкини ё гражданларнинг шахсий мулкини эгаллаб олиш мақсадида илгари босқинчилик қилган ёки бандитлик қилган шахс томонидан содир этилса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан олти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«117-модда. Давлат ёки жамоат мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан ўғирлаш

Айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган давлат ёки жамоат мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш —

муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб ёки маҳрум қилмасдан тўрт йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёки группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қилинса, —

муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб ёки маҳрум қилмасдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ўғирлик катта миқдорда қилинса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан ва муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, олти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

118-модда. Хизмат мансабини суиистеъмол қилиш йўли билан давлат ёки жамоат мулкини ўғирлаш

Мансабдор шахснинг ўз хизмат мансабини суиистеъмол қилиш йўли билан давлат ёки жамоат мулкини ўғирлаши —

муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб ёки маҳрум қилмасдан, тўрт йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар такроран ёки группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қилинса, —

муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб ёки маҳрум қилмасдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ўғирлик катта миқдорда қилинса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан ва муайян мансабни эгаллаш ёки муайян иш билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, олти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«119-модда. Давлат ёки жамоат мулкини фирибгарлик йўли билан ўғирлаш

Фирибгарлик, яъни алдаш ёки ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан давлат ёки жамоат мулкини эгаллаш —

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Фирибгарлик такроран ёки группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қилинса, —

олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Фирибгарлик давлатга ёки жамоат ташкилотига катта зарар етказса ёки алоҳида хавфли рецидивист томонидан қилинса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан беш йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«125-модда. Ўғирлик

Ўғирлик, яъни гражданларнинг шахсий мулкини яширин равишда ўғирлаш —

икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Гражданларнинг шахсий мулкини ўғирлаш жабрланувчига анча зарар етказса, шунингдек группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қилинса ёки такроран қилинса, —

беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўғирлик алоҳида хавфли рецидивист томонидан қилинса, —

тўрт йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

Эслатма: Гражданларнинг шахсий мулкини ўғирлаш ва талаш (125, 126-моддалар), агар бу ҳаракатлар давлат ёки жамоат мулкини бирор усулда ўғирлашдан (114, 115, 117, 118, 119, 119^{1}-моддалар) (майда ўғирликдан ташқари) кейин ёки ўғирлик, фирибгарликдан (125, 129-моддалар) ёхуд шахсий мулкни эгаллаш мақсадида қилинган талончиликдан (126-модда) кейин ёки давлат, жамоат мулкини ёхуд гражданларнинг шахсий мулкини эгаллаш мақсадида қилинган босқинчиликдан (116, 127-моддалар) кейин ёхуд бандитизмдан (67-модда) кейин содир этилган бўлса, такрорий жиноят сифатида жиноий жавобгарликка тортилади.

«126-модда. Талончилик

Талончилик, яъни гражданларнинг шахсий мулкини очиқ равишда ўғирлаш —

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Талончилик жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш билан ёхуд шундай зўрлик ишлатиш хавфи билан қўрқитиб қилинса, шунингдек талончилик жабрланувчига анча зарар етказса ёки группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёхуд такроран қилинса, —

олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Талончилик алоҳида хавфли рецидивист томонидан қилинса, —

беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«127-модда. Босқинчилик

Босқинчилик, яъни гражданларнинг шахсий мулкини эгаллаш мақсадида жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб қилинган ёки шундай зўрлик ишлатиш хавфи билан қўрқитиб қилинган ҳужум —

уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Босқинчилик группа шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қилинса ёки давлат ё жамоат мулкини ёхуд гражданларнинг шахсий мулкини эгаллаш мақсадида илгари босқинчилик қилган ёки бандитлик қилган шахс томонидан содир этилса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан беш йилдан ўн икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Босқинчилик баданга оғир шикаст етказиб қилинса ёхуд алоҳида хавфли рецидивист томонидан қилинса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан олти йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«180-модда. Юк ва пассажирларни қонунсиз ташиш

Гражданларнинг бойлик орттириш мақсадида ўз шахсий мулки бўлган машиналарида систематик равишда юк ва пассажирлар ташиши, шунингдек ўша мақсадларда автомашиналарини ижарага бериши —

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан икки йилгача муддатга маҳрум этиб, бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч юз сўмгача штраф солиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар илгари шу хилдаги жиноят учун судланган шахс томонидан қилинса, —

автомашинани мусодара қилиб ва транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан беш йилгача муддатга маҳрум этиб, икки йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«208-модда. Автомототранспортдан ва шаҳар электротранспортидан фойдаланишда ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиш

Автомототранспорт ва шаҳар электротранспорти ходимлари маъмурий ёки жамоат таъсири ўтказиш чоралари қўлланилгандан кейин ҳам ҳаракат хавфсизлиги қоидаларини бузиб, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарсалар, шунингдек транспортдан фойдаланиш ва бошқа ҳаракат қоидаларига риоя қилмай, унинг хавфсизлиги учун қўрқинчли шароит вужудга келтирсалар, —

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан уч йилгача муддатга маҳрум этилиб, бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёки юз сўмгача штраф солиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар натижасида баданга шикаст етказилса ёки каттароқ моддий зарар келтирилса, —

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан тўрт йилгача муддатга маҳрум этиб, уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар натижасида одам ўлса, —

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан беш йилгача муддатга маҳрум этиб, уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилади».

«209-модда. Автомототранспорт ходими бўлмаган шахс томонидан автомототранспорт ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузиш

Транспорт ходими бўлмаган шахс маъмурий ёки жамоат таъсири ўтказиш чоралари қўлланилгандан кейин ҳам ҳаракат қоидаларини бузиб, транспорт воситаларини маст ҳолда бошқарса, шунингдек транспортдан фойдаланиш ва бошқа ҳаракат қоидаларига риоя қилмай, унинг хавфсизлиги учун қўрқинчли шароит вужудга келтирса, —

автомототранспортни бошқариш ҳуқуқидан уч йилгача муддатга маҳрум этиб, бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ёки юз сўмгача штраф солиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар натижасида баданга шикаст етказилса ёки каттароқ моддий зарар келтирилса, —

автомототранспортни бошқариш ҳуқуқидан тўрт йилгача муддатга маҳрум этиб, уч йилгча муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар натижасида одам ўлса, —

автомототранспортни бошқариш ҳуқуқидан беш йилгача муддатга маҳрум этиб ва айбдорнинг ўз шахсий мулки бўлган транспортни мусодара қилиб уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

«219-модда. Фоҳишахона сақлаш ва қўшмачилик қилиш

Фоҳишахоналар, бангихоналар ёки қиморхоналар очиш ёки сақлаш, шунингдек таъмагирлик билан қўшмачилик қилиш —

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан беш йилгача муддатга бадарға қилиш билан жазоланади».

«220-модда. Дарбадарлик ва тиланчилик

Меҳнатга яроқли вояга етган шахсларнинг маъмурий органлар огоҳлантиргандан кейин ҳам дайдиб ёки тиланчилик қилиб юриши —

уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиш билан жазоланади».

3-модда. 10, 41, 54-61, 67, 68, 76, 77, 129, 153, 154, 204, 213-моддаларга қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

10-модда қуйидаги таҳрирда тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган шароитлар мавжуд бўлганда, вояга етмаган шахс жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилиниб, унга нисбатан тарбиявий характердаги мажбурий чораларни қўллаш масаласини караб чиқиш учун вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссияга юборилиши мумкин».

10-модданинг олдинги таҳрирдаги тўртинчи қисми бешинчи қисм деб аталсин.

41-модда қуйидаги таҳрирда бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан интизом батальонида сақлаш жазоси қўшилганда, озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига интизом батальонида сақлашнинг бир куни тўғри келади.

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан сургун, бадарға ёки ахлоқ тузатиш ишлари қўшилганда, озодликдан маҳрум қилишнинг бир кунига сургун, бадарға ёки ахлоқ тузатиш ишларининг уч куни тўғри келади.

Озодликдан маҳрум қилиш ва штраф солиш, шунингдек ахлоқ тузатиш ишлари ва штраф солиш тўғрисида чиқарилган ҳукмлар алоҳида-алоҳида ижро этилади».

54, 55-моддалардаги, 56-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 57-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги, 58, 59, 67, 68-моддалардаги, 77-модданинг биринчи қисмидаги «мол-мулкини мусодара қилиб» деган сўзлардан сўнг «ва икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан» деган сўзлар қўшилсин.

60-модданинг биринчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан олти ойдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёхуд икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиш билан жазоланади».

Шу модданинг иккинчи қисмининг санкцияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади».

61 ва 76-моддаларнинг санкцияларидаги «уч йилдан» деган сўзлар олдига «икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан» деган сўзлар қўшилсин.

77-модда қуйидаги таҳрирда иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар касб сифатида қилинса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ва икки йилдан беш йилгача муддатга сургун қилиб ёки сургун қилмасдан ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки мол-мулкини мусодара қилиб ўлим жазоси билан жазоланади».

129-модданинг иккинчи қисмидаги «Ўша ҳаракатлар» деган сўзлар «Фирибгарлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

Шу модда қуйидаги таҳрирда учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Фирибгарлик алоҳида хавфли рецидивист томонидан қилинса ёки жабрланувчига анча зарар етказса, —

(Охири тўртинчи бетда).

ШУ КУНДА ИШЛАГИН ТОЛМАЙ МАРДОНА, ҲАР БИР ТУП ҒЎЗАНГ КЎРСАТСИН ШОНА!

Мусобақадошларимизга маслаҳатларимиз

ТОШКЕНТЛИК ПАХТАКОРЛАР, САМАРҚАНДЛИКЛАР АНИҚЛАГАН КАМЧИЛИКЛАРНИ ТЕЗДА БАРТАРАФ ҚИЛИНГ!

Тошкент область меҳнаткашлари бу йил ҳар гектар ердан 24 центнердан ҳосил етиштириш ва давлатга 500 минг тонна пахта сотиш мажбуриятини олганлар.

Биз, мусобақадош Самарқанд областидан келган ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари 6 группага бўлиниб, Тошкент областидаги 141 колхоз, 33 совхоз ва мингдан ортиқ бригадада бўлдик, олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганлиги билан танишиб чиқдик.

Биз шуни зўр қониқиш билан қайд қиламизки, тошкентликлар КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVI съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга астойдил интилмоқдалар. Чиноз районидаги Киров номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, донгдор механизатор Турсуной Охунова, Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг Ғанишер Юнусов, Янгиер районидаги 1-«Боёвут» совхозининг Шарафот Бозорова ўртоқлар бошлиқ бригадаларида, шу райондаги «Коммунизм» колхозида, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда ва шунингдек қатор хўжаликларда ғўза парвариши намунали ташкил этилган, механизмларнинг кучидан тўла фойдаланилади. Яхши ишланган, озиқлантирилган, суғорилган ва бегона ўтдан тозаланган ғўзалар серавж, ёппасига шонага кирмоқда.

Афсуски, бундай илғор бригада ва колхозлар областда кам топилади. Кўпчилик хўжаликлар ғўза парваришини кечиктириб юбормоқдалар. Натижада ғўзанинг ривожланиши кўнгилдагидек эмас. Узунасига ва кўндалангига культивация қилиш, яганалаш, озиқлантириш, суғориш секинлик билан бормоқда. Кўпгина далаларда ғўзани бегона ўт босиб, нимжон бўлиб ўсмоқда.

Чиноз районида 263 та чопиқ трактори бор. Лекин район ва колхоз раҳбарларининг техникадан фойдаланишга масъулиятсизлик билан қараганликлари натижасида 50 дан ортиқ трактор ишламайди. Даладаги барча тракторнинг кунлик иш унуми 600-650 гектардан ошмайди. Бу эса ҳар бир тракторга зўрға 2,5-3 гектардангина тўғри келади. Кўпинча трактор культивацияси сифатсиз ўтказилмоқда. Буни биз «Қизил Октябрь» колхозида учратдик. Колхознинг 10-бригадасида ишлаётган тракторчи ўртоқ Берди Умматов культивация вақтида катта-катта кесакларни кўпориб кетмоқда. Тракторнинг иш органлари 5 тадан кўп эмас. Қатор оралари тор олиниб, қилинган культивациянинг чуқурлиги 5 сантиметрга ҳам етмайди. Шуниси қизиқки, трактор культивациясидан сўнг қолган жойларни чопиқ қилиш ва ғўза тупларига чирмашиб кетган ўтни юлиб ташлаш ўрнига, аввал чопиқ ўтказиб, сўнгра трактор билан культивация қилинмоқда. Бундан ҳеч қандай фойда йўқ. Бир иш икки бўляпти, холос.

Область бўйича кўпчилик районларда ғўза қатор ораларининг биринчи ишлови тугалланмаган. Кўп ҳолларда кўндалангига культивация қилинмайди.

Тракторларнинг иш унуми паст. Кўпчилик тракторларда иш органлари етишмайди, айрим ҳолларда эса нотўғри ўрнатилган. Пичоқ ўрнатилган тракторларни деярли учратмадик. Шу сабабли қатор оралари 40-45 сантиметр ўрнига 18-20 сантиметр кенгликда юмшатиляпти.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ягана қилишни узоғи билан 25 майдан кечиктирмай тугаллаш кераклиги кўрсатилган эди. Бу қарор кўрсатмаси Гулистон, Оққўрғон, Бекобод районларида бажарилгани йўқ. Масалан, Гулистон районидаги «Октябрь» колхозида, «Гулистон» совхозида, Оққўрғон районидаги Ленинобод колхозида, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозда ягана қилинмаган кўпгина ғўзаларни учратдик. Ҳозиргача ягана ўтказилмаган майдонларда ҳосил гектар бошига 2-3 центнердан камайиб кетиши турган гап.

Ҳозир ғўза сув талаб бўлган пайт. Шунга қарамай, биринчи суғориш энди 50 процент ўтказилган. Гулистон районида 28,8 процент, Сирдарё районида 29,7 процент майдондаги ғўза суғорилган, холос. Яна шуниси ачинарлики, кўпчилик хўжаликларда суғоришда керакли тартиб ўрнатилмаган. Бир жой чанқатиб суғорилгани ҳолда иккинчи жой бостириб суғорилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ҳосилга зиён етказилиши мумкин. Аҳволнинг бундай бўлишига сабаб шуки, сувчилар устидан тегишли назорат ўрнатилмаган. Масалан, Янгиер районидаги Карл Маркс номли колхознинг ўртоқ Полвонов бошлиқ 12-бригадасида ғўзалар бостириб суғорилгани ҳолда, шу колхознинг ўртоқ Тоғаев бошлиқ 1-бригадасида ғўза сувсизликдан чанқаб ётибди. Бундай фактларни областнинг деярли ҳамма районларида ҳам учратдик.

Бегона ўт—ғўзанинг ашаддий душмани. Ўт босган майдондан юқори ҳосил олиш сира мумкин эмас. Шундай бўлишига қарамай, областнинг кўпчилик районларида ғўзалар ёввойи ўтлардан тозаланмаган. Айниқса Бекобод, Янгиер, Сирдарё, Чиноз, Янгийўл районларидаги колхоз ва совхозларнинг қайси бригадасига борманг, ўт босиши оқибатида нимжон бўлиб ўсаётган ғўзаларга дуч келасиз.

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида (раиси ўртоқ Очилов) культивация қилингандан сўнг ҳам бегона ўтлар юлиб ташланмаган. Ўртоқ Назаров раис бўлган Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг шуҳрати ҳаммага маълум. Лекин бу колхознинг далаларида бегона ўт шунчалик кўпки, уни тозалаб адо қилиш анча мушкул. Шунга қарамай, колхоздаги ҳамма куч бегона ўтга қарши курашга сафарбар этилмаган.

Шу райондаги «Красний Восток» колхозининг Маман Ўтаров бошлиқ бригадасида 15 гектар майдон бузиб, қайтадан чигит экилган. Қайта экилгандан кейин униб чиққан чигит яна қатқалоқ остида қолиб, ўсмаётир. Бригададаги 80 гектар ғўзани ўт босиб, ўсишдан қолдирган. Бундай аҳвол билан сира келишиб бўлмайди.

Ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш пахтадан мўл ҳосил етиштиришда асосий омил эканлигини ҳисобга олган бригада ва хўжаликларда қаторлар ялпи текшириб чиқилган, ғўза туплари етарли бўлмаган уяларга қўшимча чигит экилган ёки кўчат ўтқазилган. Буни биз Чиноз районидаги Киров номли колхознинг ўртоқ Аҳмедов бошлиқ 13-бригадасида, Гулистон районидаги Ленин номли колхознинг Ғанишер Юнусов бригадасида, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда кўрдик. Бу жуда маъқул иш.

Аммо кўпчилик хўжаликларда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишига эътибор берилмаган. Масалан, Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхознинг ўртоқ Ҳамдамов бошлиқ бригадасида бўлиб, уялардаги ғўза тупларини санаб кўрганимизда, ҳар 10 уяда 1,7-1,8 тадан ғўза тупи тўғри келди. Умуман бу бригадада эмас, балки бутун колхозда ҳар бир гектарга жойлаштирилган ғўза туплари 60-65 минг тупдан ошмайди. Бундай хўжаликлар областда жуда кўп.

Ғўза зараркунандаларига қарши профилактик чоралар кўрилмаганлигидан Гулистон, Чиноз, Сирдарё, Янгийўл районларидаги экинларга қора шира тушган. Масалан, Гулистон районидаги Крупская номли колхознинг ўртоқ Олимбеков бошлиқ бригада даласида бўлганимизда 140 гектар ғўзанинг 85 гектарига шира тушиб зарарлаганини кўрдик. Колхоз раиси Турсунқулов, партия ташкилотининг секретари Шомуродов ўртоқлар бу ҳақда ачиниб гапирдилар. Лекин колхоздаги 2 та ОДН машинасини ишлатмасдан, ғўзани ширага бостириб қараб турибдилар.

Сирдарё районида ғўзани озиқлантириш бирёқлама олиб борилмоқда. Деярли ҳамма хўжаликларда фосфорли ўғит берилиб, ғўза азотли ўғит билан озиқлантирилмаётир. Бу билан озуқа бериш муддати сунъий равишда чўзиб юборилмоқда. Чиноз, Янгийўл, Бекобод ва Оққўрғон районларида ишлаётган чопиқ тракторларига СУЗ ўрнатилмаган. Натижада бу районларда ғўзани озиқлантириш ниҳоятда суст бормоқда.

Область бўйича 72,7 процент майдондаги ғўза озиқлантирилган. Бекобод районида 56 процент, Чиноз районида 46,3 процент майдондаги ғўзага озуқа берилган. Колхоз, совхозларда маҳаллий ўғитдан фойдаланилаётганлигини кўрмадик.

Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг иккинчи бригада бошлиғи Ғазотов 5 гектар пахта ерини бузиб, колхозчиларга томорқа қилиб берган. Бу майдондаги ғўзалар 6-8 тадан чинбарг чиқариб, шоналашга кирган эди. Биз бунга нисбатан чора кўришни район партия комитетига ҳавола қилган эдик. Кейинчалик маълум бўлишича, бизнинг илтимосимиз оқибатсиз қолиб кетган. Бундай муносабатни қандай баҳолаш мумкин?

Тошкент области ўтган йили пахта тайёрлаш давлат планини бажармади. Бу йил ҳам ана шу хатонинг такрорланмаслиги учун Тошкент области пахтакорларининг диққатини қуйидаги асосий вазифаларга қаратишни истар эдик:

1. Областнинг кўпчилик колхоз ва совхозларида ғўза жуда сийрак. Ҳар гектар ерда ўрта ҳисобда 65-70 минг тупдан ошмайди. Ана шу мавжуд ниҳолларни тўла сақлаб қолиш учун ҳамма агротехника тадбирларини комплекс амалга ошириш, ғўза қатор ораларини қайта-қайта ишлашга йўл қўймаслик учун культивациянинг сифатига алоҳида эътибор бериш керак. Шундай қилиш керакки, мавжуд ҳар бир туп ғўзада мажбуриятни қоплайдиган ҳосил бўлсин.

2. Ҳар бир картани тракторчиларга, сувчиларга, ҳашаротга қарши дори пурковчиларга акт билан бириктиб қўйиш керак. Токи, уларнинг ҳар бир кўчат учун жавобгарлиги ошсин, меҳр билан парвариш қиладиган бўлсин, энг яхши тракторчиларни, сувчиларни рағбатлантириб бориш, турли йўллар билан меҳнатининг қадр-қимматини ошириш катта аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак.

3. Тракторларнинг ҳамма иш органларидан тўла фойдаланиш, айниқса пичоқларни тўғри ишлата олиш ишни осонлаштиради, культивация сифатини оширади ва бегона ўтни йўқотади, шунинг учун ҳамма тракторлар тўла иш органлари билан ишлайдиган бўлсин.

4. Ғўзани эрта ва тўғри озиқлантириш—мўл ҳосил гаровидир. Шунинг учун озиқлантиришни культивация билан бир вақтда олиб бориш, узунасига культивация қилганда қатор ораларига азотли, кўндалангига культивация қилганда эса фосфорли ўғит солиш, ҳар иккала ҳолда маҳаллий ўғит билан минерал ўғитни аралаштириб ерга солишга алоҳида эътибор бериш зарур.

5. Бегона ўт ва ҳашарот—ғўзанинг душмани. Бегона ўт босган, ҳашарот зарар етказган участкалардан мўл ҳосил олиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб ОДН машиналарининг ҳаммасини ишлатиш, ғўза тупларига яқин жойдаги бегона ўтларни ўтоқ қилиш, увотлардаги, марзалардаги, ўқ ариқ бўйларидаги ўтларни томири билан йўқотиш зарур.

6. Сув—экиннинг қони. Қишки ёғингарчилик анча кам бўлган, баҳор эрта бошланган, ҳаво бирдан исиб кетган бу йилги шароитда ғўза сувни кўпроқ талаб этмоқда. Экиннинг сувга бўлган талабини қондириш учун суғоришни кеча-кундуз ташкил этиш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, сувни фақат чуқур эгат олиб, ўқ ариқ орқали жилдиратиб тараш шарт. Шундай қилинганда тупроқ бир меёрда намланади, сув чуқур сингади, нам узоқ сақланади.

Бошқа ҳамма ишлар каби суғоришнинг ҳам муваффақиятини кадрлар—сувчилар ҳал қилади. Сувчиларнинг ролини ошириш, айниқса тунда суғорувчиларга алоҳида эътибор бериш, энг яхши сувчиларнинг тажрибасини оммалаштириш, уларни рағбатлантириб бориш керак.

Агар Тошкент областининг пахтакорлари муҳим агротехника талабларига амал қилиб, ғўза парваришидаги қолоқликни қисқа вақт ичида тугалласалар, ҳеч шубҳа йўқки, улар пахтадан мўл ҳосил етиштирадилар ва зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарадилар. Биз бунга аминмиз.

А. АРАКЕЛОВ — Ўзаро текшириш бригадасининг раҳбари, Самарқанд область партия комитетининг секретари; ўзаро текшириш бригадасининг аъзолари: **П. НАЗАРОВ** — Пойарик район партия комитетининг секретари, **В. ЖАЛИЛОВ** — Жиззах район ижроия комитетининг раиси, **Ш. ТУРСУНОВ** — Самарқанд районидаги «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг секретари, **С. САИДОВА** — Оқдарё район комсомол комитетининг секретари, **Н. ДАВЛАТОВА** — Пастдаргом районидаги Санчиқул қишлоқ Советининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, **Қ. ТЎРАЕВ** — Хатирчи районидаги Сталин номли колхоз тажриба-намуна хўжалигининг бош агрономи, **Л. ҲАМРОЕВ** — Самарқанд область «Ленин йўли» газетасининг редактори.

ПОП РАЙОНИ ПИЛЛА ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

ФАРҒОНА. (телефон орқали). Поп район пиллачилари КПСС XXII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, йиллик планни муваффақиятли бажардилар. Давлатга 120 тонна пилла сотилди. 2400 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 50 килограммдан пилла териб олинди.

«Москва» колхози 430 қутининг ҳар қутисидан 70 килограммдан пилла сотиб, мажбуриятини ошириб адо этди. Шунингдек, Ленин номли колхоз пиллачилари ҳам давлатга мўл-кўл пилла етказиб бериш юзасидан ўз мажбуриятларини бажардилар.

А. ҚАМБАРОВ.
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.



Сурхондарё область. Ғузор районидаги К. Маркс номли колхознинг бош чўпони Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Эргашевнинг меҳнатдаги катта ютуқлари КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида юқори баҳоланди. У бунга жавобан янги зафарларни қўлга киритмоқда. Бош чўпон қўй-қўзилар сонини кўпайтирмоқда, ўз сиёсий савиясини ошириш устида ишламоқда. Суратда: Ҳамид ЭРГАШЕВ.
А. Ким фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси)

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

ҒЎЗАНИ ОБИ ТОБИДА СУҒОРИНГ

Бошқа ҳамма ўсимлик каби ғўза ҳам тирик организмдир. Шу сабабли бу ўсимлик иссиқликка, ёруғликка, намга ва озуқа моддаларига жуда талабчан. Ғўзанинг бу талабини қондириш учун тупроқни ўз вақтида яхшилаб юмшатиш, бегона ўтларни таг-томири билан юлиб ташлаш, оби-тобида суғориш, минерал ва маҳаллий ўғит аралашмалари билан озиқлантириш керак бўлади. Шундагина ғўза тез ривожланади ва ҳосилдор бўлади.

Бу йилги шароит ҳар йилдагидан бошқача. Қишда ёғингарчилик анча кам бўлди, баҳор эрта бошланди, ёзнинг бошидаёқ кун жуда исиб кетди. Шунинг учун бу йил ғўзага ҳар қачонгидан яхшироқ қараш, ҳамма агротехника тадбирларини ўз вақтида жуда пухта ўтказиш талаб этилади. Аммо кўпгина колхоз ва совхозларда бу оддий ҳақиқат етарли эътиборга олинмаяпти. Ана шундай жойларда ғўза қатор ораларини культивация қилиш, суғориш, озиқлантириш кечиктириб юборилмоқда.

Масалан, 1 июнгача республика колхоз ва совхозларида барча пахта майдонининг фақат 19,6 проценти суғорилди. Хоразм областида 98,5 минг гектар ердаги ғўзадан бор-йўғи 2,6 минг гектарига, Қорақалпоғистон АССРда 122,4 минг гектар ердаги ғўзадан 2,1 минг гектарига сув берилди. Самарқанд областида энди 14,9 процент майдондаги экин сув ичди.

Бухоро областида ҳаво бошқа областлардагига нисбатан анча иссиқ бўлади, шамол ҳам тез-тез бўлиб туради. Бинобарин, тупроқдаги нам тез қочади, ғўза кўпроқ чанқайди. Ғўзани қондириб суғориш орқалигина тупроқда намнинг доим етарли бўлишига эришиш мумкин. Шунга қарамай, бу ерда ғўзани суғоришга жиддий эътибор берилмаяпти. 145,7 минг гектар ердаги ғўзадан энди 4,6 минг гектари суғорилганлиги буни яққол исботлайди. Ҳолбуки, областга берилаётган сув билан ҳозиргача бундан уч-тўрт баравар кўп майдондаги ғўзани суғориб олиш мумкин эди.

Ғўзани оби-тобида суғориш—пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қаратилган энг муҳим агротехника тадбирларидан биридир. Ғўзани уст-устига суғориш ҳам, ортиқча қантариш ҳам ярамайди. Сувнинг нафи кўпроқ тегиши учун экин қатор ораларини ҳар бир ишлашдан кейин талабига қараб суғориш керак. Шу билан бирга сувни керагидан ортиқча тарамаслик лозим.

Сувни тежаш мақсадида колхоз ва совхозларга берилаётган сувни майда бўлакчаларга бўлиб юбормаслик керак. Аввало чанқаб қолган карталардаги ғўзани сувдан чиқариш, сўнгра эса сувни бошқа участкаларга ўтказиш, ҳар бир картадаги ғўзанинг аҳволини тўла ҳисобга олган ҳолда сув бериш зарур.

Ғўзани ёппасига бостириб суғориш сувнинг кўплаб исроф бўлишига, ғўзанинг қониб сув ичмаслигига сабаб бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун ғўзани чуқур эгат олиб, ўқариқ орқали жилдиратиб суғориш лозим. Шундагина ўсимлик сувга қонади, тупроққа нам чуқур сингади ва у узоқ сақланади. Колхоз ва совхозларнинг агрономлари ғўза қатор ораларини ишлашни суғориш билан маҳкам боғлаб олиб борилишига ва унинг сифатли ўтказилишига доим кўз қулоқ бўлиб туришлари керак.

ДОМНА ГАЗЛАРИДАН МИНЕРАЛ ЎҒИТ

Мамлакатимиздаги юзлаб домна печларидан чиқаётган газлар дунёдаги барча вулканлар ажратаётган газлар миқдоридан бир неча баравар кўп. Лекин бу қимматбаҳо кимёвий хомашё шу вақтгача бекорга ҳавога тарқалар эди.

Ватанимиз пойтахтидаги «Гипромез»нинг бир группа лойиҳачилари кимё машинасозлиги институти коллективи билан биргаликда бу газлардан фойдаланиш йўлини топдилар. Илмий ходимлар домна печларини реконструкция қилиб, унга янги установка ўрнатдилар. Бунинг натижасида илгари зое кетаётган газ энди минерал ўғитга айлантирилади.

Оддий ҳисобларга кўра қайта реконструкцияланган ҳар домна печидан Москва области талаб қиладиган миқдорда минерал ўғит олиш мумкин.

СССРнинг асосий пахта базаси бўлган Совет Ўзбекистонига кўп миқдорда минерал ўғит керак. Шу жиҳатдан республикамиздаги домна печлари ишлаб чиқараётган газларни минерал ўғитларга айлантириш ишини ташкил этиш керак.

Қ. АҲМЕДОВ,
кимё инженери.

Михаил Васильевич Хруничевни дафн қилиш маросими

Атоқли давлат арбоби, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети Илмий тадқиқот ишларини координациллаш давлат комитетининг раиси, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Михаил Васильевич Хруничевни 3 июнда Москва дафн этди.

Союзлар уйининг колонна зали эрталаб соат 10 да очилди. Марҳумнинг ҳоки солинган қути бу ерда кўкатлар ва гуллар ўртасига ўрнатилган эди. Бутун умри Ватанга фидокорона хизмат қилиш намунаси бўлган азиз ўртоқ Хруничев билан видолашмоқ учун келган кишилар бугун ҳам кечагидек тўхтовсиз ўтмоқда. Ишчилар, зиёлиларнинг намояндалари, Совет Армиясининг жангчилари, студентлар, Москва областидаги колхозчилар видолашмоқ учун келдилар.

Колонна залига кириш тўхтатилади. Соат 13-30 минутда мотам маросими Қизил майдон сари йўл олади. Бу ерда минглаб кишилар—пойтахтнинг ҳамма районларидаги меҳнаткашлар делегациялари тўпланган. Ҳарбий бўлинмалар саф тортиб турибди. Дипломатик корпус аъзолари ҳам шу ерда.

М. В. Хруничевнинг ҳоки солинган қути Мавзолей олдига қўйилади. Л. И. Брежнев, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, В. В. Гришин ўртоқлар, шунингдек дафн маросимини ташкил этиш ҳукумат комиссиясининг аъзолари Мавзолей трибунасига чиқадилар.

Мотам митингини дафн маросимини ташкил этиш комиссиясининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Н. Г. Егоричев очди.

Сўнгра митингда СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Ф. Устинов, СССР Фанлар академиясининг президенти академик М. В. Келдиш, СССР Министрлар Советининг Илмий тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитети раисининг ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси А. М. Самарин, Владимир Ильич номидаги Москва заводининг слесари Н. И. Янин нутқ сўзлайдилар.

Мотам митинги тугади. Партия ва ҳукумат раҳбарлари ҳамда мотам маросимини ташкил этиш ҳукумат комиссиясининг аъзолари қутини кўтариб, Кремль девори олдига олиб борадилар.

Артиллерия салютининг гумбурлашлари остида қути девор токчасига ўрнатилади. Совет Иттифоқининг давлат гимни янграйди.

(ТАСС).

«ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ»

СССР Фанлар академиясининг Осиё халқлари институти ва Африка институтининг органи бўлган илмий журнал ана шу ном билан чиқарила бошлади. Бу журнал «Проблемы востоковедения» («Шарқшунослик проблемалари») журнали ўрнига нашр этилади.

Бу журналда Осиё ва Африка мамлакатларининг сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳамда бу мамлакатлардаги миллий озодлик курашига тааллуқли муҳим проблемалар, Осиёдаги халқ демократияси мамлакатларида социалистик қурилиш тажрибасини ёритувчи мақола ва материаллар босиб чиқарилади. (ТАСС).



Фарғона область. Охунбобоев районидаги Куйбишев номли колхознинг маккажўхорикорлари 115 гектар ернинг ҳар гектаридан 1500 центнердан кўк поя олиш учун курашмоқдалар.

Суратда: колхоз раиси Ю. Рустамов ва бригада бошлиғи К. Қодиров ўртоқлар маккажўхориларни кўздан кечиришмоқда.

Г. БОЙКО фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

СССР Министрлар Совети ота-оналарнинг истакларини ҳисобга олиб, болалар боғчаларида ва умумий таълим мактабларининг бошланғич синфларида чет тиллар бўйича машғулотлар ўтказиладиган группалар ташкил этишга рухсат берди ҳамда РСФСР Маориф министрлигига ва РСФСР Педагогика фанлари академиясига шу группаларда чет тилларни ўқитиш программасини тузишни ва методикалар нашр этишни топширди.

СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига мактаблар учун чет тиллардан дарс берувчи ўқитувчиларни тайёрлашни яхшилаш вазифасини юклади. Шу мақсадда чет тиллардан дарс берувчи ўқитувчилар тайёрлаб чиқараётган университетлар ва педагогика олий ўқув юртлари учун ўқув планларини, программаларини ва дарсликларни такомиллаштириш, студентларнинг тилни эгаллашга доир педагогика практикаси ва амалий машғулотларини кучайтириш, олий ўқув юртларини чет тил бўйича машғулотлар ўтказмоқ учун зарур ускуналар ва кўргазмали қуроллар билан таъминлаш таклиф қилинди.

Олий ўқув юртларининг кўпчилиги учун чет тил бўйича мажбурий аудитория машғулотларининг ҳажми камида 240 соат қилиб белгиланади ва истаган студентлар учун чет тилларни факультатив тарзда ўрганиш таъминланади. Шунингдек, олий ўқув юртларида аудитория машғулотларидан ташқари чет тилларни ўрганиш ишларини кенг авж олдириш чораларини кўриш, чет тиллар бўйича ўз тайёргарлигини такомиллаштиришни истаган студентлар учун курслар ташкил этиш таклиф қилинди. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига университетларни тамомлаб чиқувчилар чет тилни бемалол эгаллаб оладиган бўлишлари учун университетларнинг ўқув планларига, биринчи навбатда, гуманитар ихтисослар бўйича икки ой муддат ичида ўзгартишлар киритиш вазифаси топширилди.

Чет тил ўқитувчилари тайёрлаб бераётган олий ўқув юртларида чет тил бўйича амалий машғулотлар ўтказадиган группаларда студентларнинг сони 7—10 киши қилиб, бошқа барча олий ўқув юртларида 12-15 киши қилиб белгиланади.

Олий ўқув юртларидаги ва чет тил факультетларидаги ўқитувчиларни дарс билан банд қилиш масалаларини шу фанларнинг ҳар бир ихтисос учун бўлган аҳамиятини ва ўқитувчиларнинг дарс билан ҳаддан ташқари банд қилиб қўйилишини йўқотиш зарурлигини ҳисобга олиб, тартибга солиш вазифаси топширилди.

СССР Министрлар Совети иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига бир қанча фанлар чет тилларда ўқитиладиган мактабларда ишлаш учун умумий таълим фанлари бўйича ўқитувчилар тайёрлашни 1961—62 ўқув йилидан бошлаб университетларда ва педагогика институтларида ташкил этиш вазифасини юклади. СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига мазкур мутахассисларни ўқитиш муддатини зарур бўлиб қолган ҳолларда бир йилга чўзиш ҳуқуқини берди.

Шунингдек, чет тиллар бўйича етакчи педагогика институтларининг ва университетларнинг бир қанчасида олий ўқув юртлари учун малакали чет тил ўқитувчилари тайёрлаб берадиган икки йиллик олий педагогика курслари ташкил этиш таклиф қилинди. Бу курсларга чет тил педагогика институтлари ҳажмида чет тилни билган олий маълумотли кишилар конкурс билан қабул қилиниши лозим. Шу курсларда ўқувчилар олий ўқув юртларида чет тил ўқитадиган ўқитувчи деган унвон олмоқ учун квалификация берувчи давлат имтиҳони топширишлари шарт. Олий педагогика курсларининг ўқувчилари стипендияларнинг миқдори жиҳатидан аспирантларга тенглаштириладилар ва олий ўқув юртларига, қоида тариқасида, старший ўқитувчилар қилиб юбориладилар; шу ўқитувчиларга доцент унвони бериш вақтида уларнинг мазкур курсларни тамомлаганликлари ҳисобга олинади.

СССР Министрлар Совети шуни қайд қиладики, мактабларнинг практикасида ўрганилаётган чет тилларнинг нисбати норационал бўлиб қолган. Мактабларда ва олий ўқув юртларида ўрганиш учун чет тилларни танлашда иттифоқчи республикаларнинг хусусиятлари етарли равишда ҳисобга олинмаётир. Иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советларига ҳамда СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигига мактабларда ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўрганилаётган чет тилларнинг тағин ҳам мақсадга мувофиқ нисбатини 3 ой муддат ичида белгилаб чиқиш, шунингдек энг кўп тарқалган бошқа тилларни, шу жумладан Осиё, Латин Америкаси халқларининг ва бошқа халқларнинг тилларини ўрганишни кўзда тутиш вазифаси топширилди.

СССР Министрлар Совети мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари учун чет тиллар бўйича ўқув фильмлари чиқаришни кўпайтиришни, шунингдек чет тилларни ўрганувчилар учун оддий ва узоқ чалинадиган грампластинкалар ва тонфильмлар ишлаб чиқаришни таъминлашни таклиф қилди.

Чет тилларни ўрганиш учун радио ва телевидениедан тағин ҳам кенгроқ фойдаланиш кўзда тутилади.

СССР Маданият министрлигига ва СССР Министрлар Советининг чет мамлакатлар билан маданий алоқалар давлат комитетига чет тилларни ўрганувчилар учун луғатлар, сўзлашув китоблари, инглиз, немис, француз ва испан адабиётининг энг яхши замонавий ва классик бадиий асарларининг таржима қилинган текстларини ҳам ўз ичига олган, шунингдек шу асарларнинг оригинал текстидан иборат бўлган китобларни ва ҳикоялардан иборат брошюраларни чиқаришни кўпайтириш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССР жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида

(Боши иккинчи бетда).

мол-мулкини мусодара қилиб ва беш йилгача муддатга сургун қилиб уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

153- модда қуйидаги таҳрирда иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар илгари порахўрлик учун судланган шахслар томонидан қилинса ёки бир неча марта қилинса, —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

154- модда қуйидаги таҳрирда иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар илгари порахўрлик учун судланган шахслар томонидан қилинса ёки бир неча марта қилинса —

мол-мулкини мусодара қилиб ёки мусодара қилмасдан олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

204. модда қуйидаги таҳрирда учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Майда хулиганлик қилгани учун бир йил мобайнида икки марта жамоат ёки маъмурий таъсир ўтказиш чоралари қўлланилган шахслар томонидан содир этилган майда хулиганлик —

бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади».

213- модда қуйидаги таҳрирда иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар натижасида одам ўлса ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиқса, —

етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

4- модда. Қуйидаги моддаларга айрим ўзгартишлар киритилсин:

152- модданинг биринчи қисмининг санкциясидаги «уч йилгача» деган сўзлар «олти йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Шу модданинг иккинчи қисмининг санкциясидаги «тўрт йилдан ўн йилгача» деган сўзлар «беш йилдан ўн беш йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

161 ва 162- моддаларга «гувоҳнинг» деган сўздан сўнг «жабрланувчининг» деган сўз киритилсин.

169- моддага «ўғирлик» деган сўздан сўнг «119[1] (давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда ўғирлаш») деган сўзлар киритилсин.

170- моддага «(116 ва 127- моддалар)» деган сўзлардан сўнг «давлат ёки жамоат мулкини жуда кўп миқдорда ўғирлаш (119[1]- модда)» деган сўзлар киритилсин.

199- модданинг «б» ва «в» бандларидаги «милиция идоралари томонидан ёзма равишда икки марта огоҳлантирилгандан сўнг» деган сўзлар «маъмурий йўлда жазо чораси кўрилгандан сўнг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Шу модданинг «в» бандидаги «алоҳида» деган сўз чиқариб ташлансин.

211. модданинг «б» бандининг санкциясидаги «беш йилгача» деган сўзлар «етти йилгача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

214- модданинг санкциясидаги «уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки бир йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши» деган сўзлар «икки йилдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1961 йил 30 май.

ЖОНАЖОН ШАҲРИМИЗНИ ОБОД ҚИЛАМИЗ

Тошкент шаҳар Советининг 2 июнда бўлиб ўтган навбатдаги сессияси бинокорлар олдига партиянинг XXII съезди очиладиган кунгача юз минг квадратметр ҳажмида уй-жой 7660 ўринли мактаб бинолари қуриш. олти юз ўринли болалар боғчалари ва болалар яслилари биноларини фойдаланишга топшириш, савдо корхоналари ва маданий-маиший муассасалар шохобчаларини кенгайтириш вазифасини қўйди.

Сессияда доклад қилган шаҳар ижроия комитетининг раиси М. Расулев шаҳар хўжалигининг тез ўсиб бораётганлигини кўрсатувчи кўп мисоллар келтирди. Янги уй-жой маҳаллалари кенгайиб бормоқда. қўшимча суратда автобус ва троллейбус линиялари очилди, ўнлаб километр ирригация шохобчалари қурилди. Шу йил кўкламда Тошкентда чорак миллион тупдан ортиқ дарахт ўтқазилди. Кўп кўчаларда кундузгидек ёруғ берадиган лампалари қўйилди.

Ана шу ўзгаришларнинг ҳаммасида республика пойтахти жамоатчилигининг катта ҳиссаси бор. Жонажон шаҳарни обод қилишда Тошкентнинг икки юз мингдан ортиқ аҳолиси қатнашди. Октябрь революцияси номли, «Таштрансмаш» заводларининг, Темир йўл бошқармасининг ишчи ва хизматчилари ҳамда Тошкентнинг юксак санитария маданияти учун юриш бошлаган илғор коллективлар ўз жамоатчилик бурчларини бажонидил адо этмоқдалар.

Аммо, сессияда кўрсатиб ўтилганидек, шаҳар хўжалигини ривожлантиришнинг кўпгина резервлари фойдаланилмасдан қолмоқда. Уй-жойлар ва мактаб бинолари қуриш учун ажратилган маблағлардан аввалдагидек ҳозир ҳам тўла фойдаланилмаётир.

Сессия шаҳар хўжалигини янада ривожлантириш ва Тошкентни обод қилиш юзасидан 1961 йилги тадбирларни тасдиқлади. (ЎзТАГ).

Москвада Германия Демократик Республикаси кенг истеъмол товарлари виставкаси очилди

МОСКВА. 3 июнь. (ТАСС). Бугун Москвадаги М. Горький номли Марказий маданият ва истироҳат паркида Германия Демократик Республикаси кенг истеъмол товарлари виставкасининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

Виставканинг очилишига СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси В. Н. Новиков, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Н. Н. Органов. В. И. Козлов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. П. Георгадзе. Бутуниттифоқ Савдо палатаси президиумининг раиси М. В. Нестеров, министрликлар ва бошқармаларнинг, ташқи савдо ташкилотларининг ва пойтахт жамоатчилигининг вакиллари келдилар.

Виставкани очиш маросимида Германия Демократик Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари М. Витковская бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси ҳукумат делегацияси. Германия Демократик Республикасининг СССР даги элчиси Р. Деллинг. СССРдаги дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари, элчихоналарнинг ходимлари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

„Бу учрашув бутун инсоният учун муҳим аҳамиятга эга“

Н. С. ХРУШЧЕВ БИЛАН Ж. КЕННЕДИНИНГ СУҲБАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛ МАТБУОТИ ВА ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ФИКРЛАРИ

ХИТОЙ Хитойдаги барча марказий газеталар СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев билан АҚШ Президенти Ж. Кеннедининг Венада ўтказган суҳбатлари ҳақидаги телеграммаларни кўзга кўринарли жойларда эълон қилдилар. Газеталар Н. С. Хрущевнинг Совет кишилари ҳал этилмаган барча масалаларнинг мумкин қадар тезроқ бартараф этилишини истар эдилар. деб Вена вокзалида айтган сўзларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқдалар.

«Женьминжибао». «Дагун бао» ва бошқа газеталар Совет ҳукумати бошлиғининг «Совет Иттифоқи ҳамиша тинчликни. давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашни, СССР билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар тинчлик ва амалий ҳамкорликнинг мустаҳкам негизларига қурилишини ёқлаб келди ва ёқламоқда» деган сўзлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқдирмоқдалар.

АҚШ Америкада чиқадиган барча газеталарнинг биринчи саҳифаларида Вена учрашуви ҳақидаги ахборотлар жуда йирик сарлавҳалар билан ҳамда Н. С. Хрущев ва Ж. Кеннедининг фотосуратлари эълон қилинди. Ахборотларда СССР ва АҚШ раҳбар арбобларининг учрашувларига ошкора ва хушмуомалалик билан ўтган учрашувлар. деб таъриф берилади.

«Кеннеди билан Хрущев. — деб ёзади «Нью-Йорк таймс» газетаси. — Венада расмий музокаралар олиб бормоқчи эмасликларини айтдилар. Уларнинг асосий мақсади — зарур эҳтиёжларни ифодалаб олиш ҳамда Шарқ билан Ғарб ўртасидаги қийин проблемаларга тааллуқли мўлжалларни ўрганишдир... Учрашувнинг асл натижалари яқин ҳафталар ичида Лаос. ядро қуроли синовлари ва Берлин сингари энг муҳим жанжалли проблемалар юзасидан позициялар ўзгарган тақдирдагина аён бўлиши мумкин. Мутлақо равшанки. Венада расмий битимга келинадими-йўқми, бундан қатъи назар. ана шу учрашув совуқ урушга шубҳасиз жиддий таъсир кўрсатади».

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Ж. КЕННЕДИ ЛОНДОНГА КЕЛДИ

ЛОНДОН, 5 июнь. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрущев билан Венада олиб борган музокаралар тамом бўлгандан кейин АҚШ Президенти Ж. Кеннеди рафиқаси билан кеча Лондонга келди. Кеннеди Англиядан жўнаб кетгунига қадар 5 июнь кечқурун Англиянинг бош министри Макмиллан билан учрашади.

ВАҲШИЙЛАРЧА БОМБАРДИМОН

ХАНОЙ, 3 июнь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг «Озодлик» информация агентлиги хабар беради: Нгодиньдьемчилар ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари 8.9 ва 11 майда Гиа-Лай вилоятида 11 қишлоқни ўққа тутганлар ва бомбардимон қилганлар. Беш қишлоқ бутунлай ёндириб юборилган.

СОВЕТ МЕҲМОНЛАРИ КОРЕЯ КИМЁГАРЛАРИ ҲУЗУРИДА

ХАМХИН. ТАСС мухбирлари Д. Бочаров ва Б. Кулаевский хабар берадилар:

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет ҳукумат делегацияси Корея Халқ Демократик Республикасида беш кундан бери меҳмон бўлиб турибди.

Бугун совет меҳмонлари Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинети раисининг биринчи ўринбосари Ким Ир ва бошқа расмий кишилар билан бирга Понгунда (Хамхин районида) яқинда қурилган хлорвинил заводида бўлдилар.

Сўнгра совет меҳмонлари виналон заводига бордилар. Бу ерда ҳам улар самимий кутиб олиндилар. Одамлар завод ҳовлисига гул ва байроқлар кўтариб чиқдилар. Завод корпусларидан бирининг тепасидаги катта қизил алвонга: «Совет Иттифоқи билан абадий биргамиз!» деб ёзилган.

Дирекция биносида Корея Халқ Демократик Республикаси оғир саноат комитети раисининг ўринбосари О Дон Ук етти йиллик тўнғичи бўлган бу йирик корхонанинг қурилиши ҳақида гапириб берди.

Ўртоқ А. Н. Косигин ишлаб чиқариш технологияси билан танишади, Совет Иттифоқида синтетик тола ишлаб чиқариш тажрибаси ҳақида сўзлаб беради.

Ишчиларнинг илтимосига кўра, ўртоқ А. Н. Косигин ҳурматли меҳмонлар дафтарига қўл қўйди. У завод коллективига бу муҳим ишлаб чиқаришни энг қисқа муддат ичида ўзлаштиришни тилади.

Меҳмонлар тушган машина Корея-Совет дўстлиги шарафига гулдурос қарсаклар ва табрик хитоблари остида завод территориясидан жўнаб кетади.

Кечқурун А. Н. Косигин бошлиқ Совет ҳукумат делегацияси Ренвонга (Жанубий Пхенан вилояти) жўнаб кетди.

* * *

РЕНВОН (Жанубий Пхенан вилояти), 4 июнь. КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин бошчилигидаги совет ҳукумат делегацияси Корея Меҳнат партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси Ким Ир ҳамда бошқа расмий шахслар ҳамроҳлигида бугун эрта саҳарда поезд билан Ренвонга келди. Вилоят ва халқ комитетларининг раҳбарлари, минглаб аҳоли меҳмонларни вокзал олдидаги майдонда самимий ва қизғин кутиб олдилар.

МАРДЛАР ва ДОВЮРАКЛАР МУСОБАҚАСИ

«Қизил Ўзбекистон ва «Ёш ленинчи» газеталари мукофоти учун 27-традицион мотокросс



МУСОБАҚА ВАҚТИДА

Ўтган дам олиш куни эрталабоқ Бектемир қишлоғи ёнидаги баҳаво сайилгоҳ жой одамга тўлди. Бу ерга мардлар ва довюраклар спорти — мотоспорт ишқибозлари тўпландилар.

Мусобақага қатнашаётган юзга яқин шоввозлар орасида СССР спорт мастерлари, биринчи разрядли спортчилар, бир неча мусобақаларнинг ғолиблари борлиги ҳам кросснинг ниҳоятда қизғин ўтишини кўрсатар эди.

ДОСААФ. Армия спорт клуби. «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти ва олий ўқув юртларининг мотоциклчилари ўз спорт маҳоратларини намойиш қилиш учун майдонга тўплана бошладилар. Мотокросс иштирокчилари ғоят мураккаб ва оғир йўлларни босиб ўтишлари лозим.

Йиғилган томошабинлар мотоциклчилар тўпланган майдон атрофидан жой oладилар. Радио карнайдан дикторнинг «мусобақа чизиғига чиқиб, стартга тайёрланинг» деган овози эшитилади. Мотоспортчилар старт чизиғига саф тортадилар. Мотокроссни ўтказувчи ташкилий комитет раиси, «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакторининг ўринбосари А. Исмоилов мусобақа қатнашчиларини қизғин табриклайди ва уларга яхши кўрсаткичларга эришишни тилайди. Ўтган йилги мусобақа ғолиби — ДОСААФ спортчилари байроқни кўтарадилар.



Д. СЕМЕНОВА.

Мусобақани бошлашга команда берилади. Стартга биринчи бўлиб чиққан цилиндри 125 куб сантиметрлик мотоцикл минган хотин-қиз ва ўсмирлар жойларидан қўзғаладилар. Улар белгиланган масофани уч марта айланиб ўтишлари лозим эди. Ана шу масофанинг иккитасида энг яхши натижага эга бўлган спортчи ғолибликни қўлга киритиши мумкин. Спортчилар биринчи тўсиқдаёқ оғир қийинчиликларга дуч келадилар. Машинани мусобақага яхши тайёрлаган. ўз спорт маҳоратини ошириб борган мотоциклчиларга тўсиклар ғов бўла олмайди. Улар ариқдан тез ўтиб, чуқурликка тушадилар, ундан кескин ҳаракат билан юқорига кўтарилиб, яна текис йўлдан қушдай учиб кетадилар. Мана биринчи доирани тамомлаб, иккинчисига йўл олган Вячеслав Терновский («Меҳнат») ни томошабинлар самимий кузатиб қоладилар.

Биринчи разрядли спортчи Дина Семенова томошабинларнинг самимий олқишига сазовор бўлди. Унинг ўз мотоциклида ҳар қандай оғир йўлларда ҳам қушдек учиб бориши ҳамманинг завқини қўзғатди. Дина биринчиликни қўлдан бермасликка интилар, оғир участкаларда ҳам катта жасорат кўрсатиб, уни тез енгар ва ҳаммани қойил қолдирар эди. Ҳақиқатан ҳам Терновский билан Семенова финиш чизиғига биринчи бўлиб етиб келдилар ва дастлабки минутдан бошланган ғолибликни қўлга киритиб ҳамманинг олқишига сазовор бўлдилар.

Армия спорт клубининг вакиллари Марина Жаркова ва Светлана Маркитан иккинчи ва учинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар.

Цилиндри 125 куб сантиметрлик мотоциклчилар бошлаган мусобақа дастлабки дақиқаданоқ бир томонлама кескин тус олди. Бир томонлама дейишимизга асос бор. Чунки, эркаклар ўртасида ўтказилган бу мусобақада ДОСААФ спортчилари ғолибликни қўлдан бермасликка интилдилар. Шунинг учун ҳам биринчилик учун кураш фақат досаафчилар ўртасида кетди. Спорт мастери Вячеслав Шамсиддинов билан унинг клубдоши Валерий Сидельников ўртасида чемпионлик номини қўлга киритиш учун бошланган кураш охирги дақиқаларда, айниқса, қизиб кетди. Бу курашда катта тажрибага эга бўлган Шамсиддинов олдинга ўтиб кетди ва шериги Сидельниковни иккинчи ўринга тушириб қўйди. Учинчи ўринни ҳам досаафчи Геннадий Никаленко олди.

Биринчиликка даъвогар Армия спорт клубининг мотоциклчилари цилиндри 350 куб сантиметрлик мотоциклчилар мусобақаси бошланганда. айниқса. катта жасорат кўрсатдилар.

Финиш чизиғига биринчи бўлиб етиб келган ва биринчиликни қўлга киритган Дресвянниковни ва томошабинлар қарсаклар билан кутиб олдилар. Ундан сал кейин етиб келган Андриади иккинчи ўринда қолди. Учинчи ўринни «Меҳнат» вакили Г. Нестерев эгаллади.

Мусобақанинг томошабинлар орзиқиб кутган пайти етиб келди. Ҳамма жонлана бошлади, мусобақанинг ниҳоятда қизиқарли пайтини кўришни ҳамма ҳаяжон билан кутмоқда. Мана, старт чизиғига цилиндри 500 куб сантиметр бўлган аравачали мотоциклчилар чиқдилар. Мусобақа бошланмасданоқ ҳаммада армия спорт клубининг вакили Константин Ципруш ва у билан бирга аравачада борадиган Валерий Вареник биринчи ўринни олади, деган фикрлар пайдо бўлди. Мотоциклчилар стартдан қўзғолиши билан бу тахмин тўғрига ўхшаб қолди. Бир неча Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашиб, катта тажриба орттирган Ципруш дарҳол олдинга ўтиб кетди. Ҳамма уни табриклади. У ўз рақибларини 60-100 метр орқада қолдириб, олдинда бораётган бир пайтда кўнгилсиз ҳодиса юз берди. Чуқурликдан кескин чиққан мотоцикл бир неча секунд тириллаб овози ўчди. Ципруш ва Вареник мотоциклнинг уёқ-буёғини текшира бошладилар. Бундай пайтларда ҳар бир дақиқа жуда қиммат туриши чатоқ-да! Мана орқадан келаётган бошқа мотоциклчилар пайтдан фойдаланиб олдинга ўтиб кетдилар. Ципрушнинг мотоцикли бузилган эди. Натижада бу мусобақада ҳам досаафчилар ғолиблик қилдилар. Валерий Пашкевич билан Владимир Зверов биринчи ўринни олдилар. Армия спорт клубининг вакиллари В. Панфилов ва В. Артьюшкин иккинчи ўринни эгалладилар. Учинчи ўринда эса досаафчилар Палуденний ва Галкин қолди.



С. ШАМСУТДИНОВ.

Команда биринчилиги яна ДОСААФ спортчиларида қолди.

Кечқурун. соат 7 дан 15 минут ўтганда 70 мингга яқин томошабин тўлдириб ўтирган марказий «Пахтакор» стадиони майдонига мотокросс қатнашчилари кириб келадилар. Ҳамма довюрак спортчиларни қизғин табриклайди. Спортчилар тўғон ложа қаршисига келиб тўхтайдилар ва саф тортадилар.

Ғолибларга дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширади.

В. МАҲКАМОВ,
А. АБДУМАЖИДОВ.
И. Глауберзон фотолари.

ЯНА ҒАЛАБА

ФУТБОЛ

«Пахтакор» билан Олмаота шаҳрининг «Қайрат» футболчилари ўртасидаги бўладиган учрашув ҳамиша кескин кураш остида ўтади.

Москвалик судья Н. Хлопотиннинг ишораси билан меҳмонлар ўйинни бошлаб дарҳол ҳужумга ташланадилар. Ўйиннинг биринчи минутидаёқ «Пахтакор» дарвозасини ҳавфга соладилар. Майдон эгаларининг Моторин раҳбарлигидаги ҳимоячилари мезбонларнинг ҳужумини қайтариб турадилар. Ўйин аста-секин тенглаша боради. Пахтакорчилар ҳам ҳужумга ўтиб, тез-тез мезбонлар дарвозаси олдида пайдо бўлиб, уни хавфга солиб турадилар.

Чиройли комбинациялар билан бир-бирларига тўпни ошириб ўз маҳоратларини кўрсатган меҳмонлар ўйиннинг 34 минутида ҳисобни очадилар. Аммо бу ҳисоб кўпга чўзилмади. «Пахтакор»нинг ярим ҳимоячиси В. Таджиров 35 метр чамасидан тўпни дарвозага киритиб, ҳисобни тенглаштиради. Командалар 1:1 ҳисоби билан танаффусга чиқадилар.

Танаффусдан кейин пахтакорчилар тез-тез ҳужум қилиб «Қайрат»нинг дарвозабонини ўйинга аралашиб туришга мажбур қиладилар. Ана шундай ҳужумларнинг бирида Морозов бурчакдан тепган тўпни Г. Красницкий боши билан дарвозага киритиб, ҳисобни 2:1 қилади. Орадан 2 минут ўтмасданоқ Тазетдинов узатган тўпни қабул қилиб олган Стадник меҳмонлар дарвозабони Лисицинни дарвозадан тўпни олиб чиқишга мажбур қилади. Майдон эгалари ғалабага маҳлиё бўлиб, ўйинни сусайтириб юборадилар. Бундан фойдаланган мезбонлар ҳужумни активлаштириб юборадилар. «Қайрат»нинг марказий ҳужумчиси Скулкин ҳимоячи Моторинни алдаб ўтиб, дарвозага тўпни киритади ва ҳисобни 3:2 қилади.

Шундай қилиб, бу ўйин 3:2 ҳисоби билан «Пахтакор» фойдасига ҳал бўлди. 9 ўйиндан 12 очко тўплаган «Пахтакор» турнир жадвалининг тўртинчи ўрнида мустаҳкамланиб олди.

Х. ЮНУСОВ,
Л. ПЬЯНЦЕВ.

БИЛДИРИШ

Ўзбекистон Журналистлар союзининг IV пленуми шу йил 7 июнь эрталаб соат 10 да Округ офицерлар уйида очилади.

ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИ.

Редактор **З. И. ЕСЕНБОЕВ.**

ИҚРОРНОМА

ФЕЛЬЕТОН

<>

У кишининг кайфияти негадир ёмон. Кабинет ясан-тусанларига маҳлиё бўлиб. хаёл-сурадиган одам бугун ҳеч нарсани кўрмай хомуш ўтирарди. Алланарсадан хадиксираётгандай ҳар замон эшикка қараб қўярди... Биз айтмоқчи бўлган киши Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири Аббос Тожиевдир. Ажабо. унча-мунча одамга сўз бермайдиган киши шу аҳволга тушса-я! Бирор англашилмовчилик бўлдимикин?

Англашилмовчилик бўлгани йўқ. Пойтахтдаги олий ўқув юртларини тамомлаб. тайинланган жойга — районларга борадиган ёш мутахассисларни ўзбошимчалик билан шаҳар мактабларига жойлаштираётганини Маориф министрлигига ким етказиб қўйди экан? Мана шу мулоҳаза мудир Тожиев бошида гир айланарди. Қингир иш қирқ йилдан кейин ҳам очилиши мумкин деган гап ҳам хаёлидан ялт этиб ўтди. Ана энди тушунтирув хатлари ёзиш керак бўлиб қолади, деди у ўзига ўзи.

Мудир ўрнидан турди. Бошмалдоғини тишлаб уёқ-буёққа юрди. Кўп ўйлади. Йўқотган нарсасини топгандай қўққисдан бош кўтариб панжаси билан чаккасига шапиллатиб урди.

— Эй нодон. — деди у ўзига ўзи. — шунга ҳам ота гўри-қозихонами. Шунча вақтдан буён бажарилмаган ишни бажарилди. қилинмаган ишни. албатта қиламан, деб сўз бериб келган одам яна бир тавба қилса асакаси кетармиди? Ташвишингни қара-ю. Дадил бўл. ёз! Хат ёз!

У оқ қоғозни бир пастда қоралаб ташлади. Тавба-тазарру қилди. Тушунтирув хатини конвертга солиб министрликка жўнатди. Унинг юборган бу хатига «72» деб рақам қўйилиб, министрлик дафтаридан ўтказилганидан хабари йўқ-да. вақтни ўтказиб у яна республикамизнинг узоқ районларига бориб ишлаши керак бўлган мутахассисларни суриштирмай ишга олаверди. Район халқ маорифи бўлимлари қабул қилган мутахассисларни ҳам суриштириб ўтирмади. Ҳозир шаҳардаги 68. 64 47. 9. 101. 128. 26. 111 ва бошқа мактабларда, кўпгина болалар боғчаларида салқин жой қидирган «нозик табиатли» баъзибир кишилар ишлаб туришибди. Жўраев 1959 йилда Тошкент Давлат Педагогика институтини тамомлаб. Бекободга ишга тайинланди. Шаҳар халқ маорифи бўлими уни Октябрь районидаги 111- мактабга ишга жойлаштирди. Андижонга бориши керак бўлган Карасева Тошкентдаги 10- мактабда ишлаяпти. Шунингдек. Чапко. Сандхўжаева. Тошмуҳамедовлар ҳам пойтахтдан ўрин топишди. Тожиевдай пушти-паноҳлари бўлгач. улар ташвишланиб ҳам нима қилсин?!

Кейинги пайтларда мудир яна ўйланиб қолди: сирларим биринкетин фош бўляпти. Министрлик ҳар йили мактабларга қанча ўқитувчи кераклигини сўрайди. Бизда бўш ўрин йўқ; шаҳар мактаблари ўқитувчилар билан тўла таъминланган деб икки эллик хат битиб жўнатаман. вассалом! Буёғини ўзим биламан. РайОНО мудирлари пинжимга кириб қарашворади. Қарабсизки. ҳар ўқув йилида 500-600 лаб таъбимга ёққан ўқитувчини ишга жойлаштираманқўяман. Ўтган йил 25 мартда министрликка юборган заявкамни олиб қаранг... 1960-61 ўқув йилида бизга меҳнат. жисмоний тарбия ва ашуладан жами 47 ўқитувчи керак, деб ўз қўлим билан ёзворганман. Омадни қарангки, шу ўқув йилида 47 эмас. 480 турли фан ўқитувчиларини мактабларимга жойлаштирдим. Мендан ибрат олган Октябрь. Киров. Ленин. Куйбишев. Фрунзе район халқ маорифи бўлимларининг мудирлари ҳам қанчадан-қанча янги ўқитувчилар қабул қилиб олишган. Нима. энди шуларнинг ҳисобини ҳам олиб боришим керакми? Борингки, шу ўзбошимчалигимни ҳам биров Минпросга етказибди-да. Лекин ҳали улар билмаган гаплар ҳам бор... Кел. яхшиси чала-чулпа бўлса ҳам иқрор бўла қолай. Ахир. эгилган бошни қилич кесмайди. дейдилар-ку!..

Тожиев бир тахта қоғоз олиб. тепасига йирик ҳарфлар билан «Иқрорнома» деб ёзиб қўйди. Ручка учини пешонасига тираб ўйланиб қолди:

— ГорОНО советини йилда бир ёки икки марта чақиртиришимни, қолган масалаларни ўзим «мустақил» ҳал қилворишимни ёзсаммикин? Йўғе, кулги бўламану. Ахир аппаратдаги ходимлар, муовиним, қўйингчи партия ташкилотининг секретари билан ҳар нарсани маслаҳат қилавериш шартми? Мен раҳбар бўлганимдан кейин айтганимни қилади-да. Раъйимга зид иш тутсин-чи?! Шунча вақтдан буён бирга ишлаб танқидни ёқтирмаслигимни билмасмиди?! Танқидни йўқотиш учун курашганларимни-чи?.. Ёки министрликнинг ҳамма мактаб директорлари ГорОНО советининг тасдиғидан ўтиши зарур. деган кўрсатмасига ҳам амал қилмаганимни ёзсаммикин? Эй. қўй-э. шу икир-чикирларни ёзаманми? Ўзим тасдиқлаганман. кўрганман, бўлди-да! Советда тасдиқлатиб олиш нимаси? Унда менинг раҳбарлик ролим қаёқда қолади! Яхшиси буни ҳам ёзмайман. Хўш. энди айрим болалар боғчалари. мактаб раҳбарларининг ўзбошимчалик қилиб мураббий ёки ўқитувчилар олаётгани масаласига келсак, бу ҳам арзирлик гап эмас. Олса опти-да. менинг давримда гаштини суриб, қандини урмайдими?!

Мудир яна ўйланиб қолди.

— Тошкент шаҳар мактабларида ўқитувчилар ўртасида кейинги йилларда оммавий-тарбиявий ишлар жуда сусайиб кетганлиги, бунинг оқибатида ўқитувчилар ўртасида ҳам. болалар орасида ҳам айрим кўнгилсиз ҳодисаларнинг учраб турганини ёзиш ҳам тўғри келмас. Бу ҳақда министр қабулида унга ўзим секингина айтиб қўярман. Шошма. қайси куни министрликда ўқувчи қизларнинг мактабдан кетиб қолиш ҳоллари содир бўляпти. дейишаётган эди. Ана шуни ёзмасам иложи йўққа ўхшайди...

Перо қиртиллай бошлади: «Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлими ва унинг жойлардаги аппаратлари ҳамда активлари кейинги пайтларда умум мажбурий таълим соҳасида кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўйди. Натижада. рўй-рост тан оламизки. кўпгина мактабларда, айниқса Октябрь. Фрунзе. Куйбишев. Ленин районларидаги мактаблардан анчагина қизлар ўқишни ташлаб кетган бўлса кетгандир. аммо уни суриштириб ўтирмадим. Лекин умум мажбурий таълим плани йил сайин бажарилмай қолаётганига ўзим ҳам ҳайронман.

Болалар боғчаларини кадрлар билан таъминлашдаги пала-партишликларга ҳам хотима берамиз, таълим-тарбия ишларини яхшилаймиз. кечки ишчи-ёшлар мактабларидаги хўжасизликни тугатамиз. Хуллас. ҳали ишимизда жуда кўп камчиликлар борки, буларга биз иқрормиз. албатта бартараф этамиз.

деб Аббос Тожиев».

Мудир оғир юкни елкасидан улоқтириб ташлагандай енгил тортди. Хатни икки буклаб конвертга солди. Устига адрес ёзди. Конвертни ким билан юбориш уни унча ташвишлантиргани йўқ. Чунки ўзининг таъбири билан айтганда. унинг «олтин секретарь-машинистка»си бор. Бу хат эканку. Тожиев унга бутун қарорларнинг ижросини текшириш ҳуқуқини бериб қўйган. Шикоят хатларга-ку мудир кўз қирини ҳам ташламайди. Уларни тушунмаса ҳам шу секретарь — Н. А. Телегина ҳал қилади.

Мудир секретарининг «ишчанлиги»ни хаёлдан ўтказди-ю, конвертни унинг қўлига топшириш учун эшик томон юрди. Аммо қўли эшик тутқичини ушлаганича қотиб қолди. Бирдан вужудига титроқ тушди: «эй, бунақа нарсани энди кўришимми? Ишимни кўпа комиссиялар текширишди, бир неча марта муҳокама қилишди, газеталарга ёзишди. Хўш. нима бўлди? Ҳеч нарса. Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди, деган гап бор. Ҳа, ошна-оғайниларим ҳимояси борки. ўзимга гард юқтирганим йўқ. Бу гал ҳам дўстларимнинг қучоқ очиб ҳимоя қилишига ишончим комил. Юбормайман. Хатга тушдинг, ўтга тушдинг», — деди у ўзича пичирлаб ва яна тўғри орқасига қайтиб бориб курсисига ўтирди. Конвертни шартта йиртиб тўртга бўлиб, сим саватга ташлади. Бир лаҳзадан сўнг уни сим саватдан йиғиштириб олиб. чўнтагига солди. Қўллари билан курсини маҳкам ушлади. Кўзини юмиб. узоқ хаёлга чўмди. Иқрорномани қайта ёзмоқчи бўлдими, айбларига кўпчилик олдида оғзаки иқрор бўлишга қарор қилдими, бунисини билолмадик.

С. КАРОМАТОВ.
Д. ЮНУСОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 ИЮНДА

19.00 — **Тенгдошлар** спектаклидан ўзбек тилида парчалар (Тошкент театр-рассомлик санъати институти дипломантлари ижросида), 19.55 — **Радянська Украина** (украин тилида киножурнал), 20.05 — **Телевизион янгиликлар,** 20.25 — **Врач суҳбати** (ўзбек тилида), 20.35 — **Концерт** (ўзбек чолғу куйларидан), 21.15 — **Ажралиш ҳақидаги иш** номли немис киноповести.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/VI да **Флория тоска,** 7/VI да **Травиата.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги мавсумнинг очилиши — 6/VI да **Алишер Навоий,** 7/VI да **Гамлет.** Кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Довюрак — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (кундуз соат 4 дан).

Репетиция давом этмоқда — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да).

Баса жанжали — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Яшаш учун туғилганлар — НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Улин жонлар — «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Разведкачининг жасорати — «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз соат 2 дан), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Бир қизни учратдим — «ОКТЯБРЬ» (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда).

Разведкачининг жасорати — «ВАТАН» (кеч соат 8-45 ва 10-20 минутда), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10-45 минутда), «ПОБЕДА» (кеч 9 ва 11 да).

Тошкент политехника институтида, кундуз соат 2 да қуйидагилар химё, геология-минералогия, техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

1961 йил 15 июнда

М. Г. Лубянская — кимё-технология факультети советида: «Сув эритмасидаги фтор-ионнинг оз миқдорини аниқлаш» деган темада.

В. С. Попов — геология-разведка ва кон факультетларининг бирлашган советида: «Қорамозордаги Марказий Консой полиметалл конининг минералогияси» деган темада.

1961 йил 16 июнда

Р. П. Шляпин — институт советида: «Эволют лекалолар» деган темада.

А. К. Плахтий: «Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари шароитида шаҳар ер ости коммуникацияси картографиясининг баъзи масалалари (Тошкент шаҳри мисолида)» деган темада.

1961 йил 19 июнда

П. И. Шчербинин — энергетика ва механика факультетларининг бирлашган советида: «Букс ишқаланиш узелида темир-керамик антифрикцион қотишмаларни текшириш» деган темада.

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Я. Колас кўчаси, 16-уй).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

8 июнда

ФУТБОЛ

«Блэк-Стар» (Гана) — «Пахтакор» (Ўзбекистон) командалари ўртасида Халқаро ўртоқлик учрашуви.

Кеч соат 7 да бошланади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469, Пропаганда — 34780, Саноат ва транспорт — 27604 Совет қурилиши — 34780, Қишлоқ хўжалиги — 31226 Адабиёт ва санъат — 32036. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524. Маҳаллий ахборот — 33469. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005. Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон». «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 03966. Нашр. Б. 130.